

Боқий фикр
Ёшлар тарбияси,
баркамол авлод
деганда, биз
Ўзбекистоннинг
буюк келажagini
назарда тутамиз.

Ислом КАРИМОВ



Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 14-sentabr, chorshanba № 74 (8931)

НУРСУЛТОН НАЗАРБОВЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замонамизнинг улуғ сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозongan эди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайғу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдард бўлди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳ-

лигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримов қабридан дўсти бўлганини, бир-бирини ҳамisha яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонликни таъминлаганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислом Каримовни ҳурмат билан ёдга олишига ишончим комил. Унинг улуғвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, асрлар давомида ўрганилади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши унинг номи билан боғлиқ. Ислом Каримов ўзбек халқини, Ўзбекистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, — деди Қозоғистон Президенти.

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига хорижий мамлакатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаklar билдирилган.

Жумладан:

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи — **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ички ишлар вазири — **Муҳаммад бин Нойиф бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, мудофаа вазири — **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Ўмон Султони — **Кобус бин Саид**

Кувайт Давлати Амри — **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди — **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири — **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн ас-Сиси**

Тунис Республикаси Президенти — **Муҳаммад ал-Божий Қويد ас-Сибсий**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — **Шайх Ҳасина Вазед**

Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси — **Абдулла Абдулла**

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг биринчи ўринбосари, армия генерали — **Абдул Рашид Дўстум** ўз табриklarини йўллаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Олтин медаллар ва рекорд натижалар

Паралимпиячиларимиз куч ва салоҳиятини оламга намойиш этмоқда



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XV ёзги Паралимпия ўйинлари ҳамюртларимиз учун нихоятда омадли бошланганидан хабарингиз бор. Ампутиантларимиз ўтган вақт давомида делегациямиз ҳисобига жами 23 медални тақдим этгани ҳамда медаллар ҳисобида кучли ўнликда бораётгани эса дунё ҳамжамиятини дол қолдирмоқда.

Айни пайтда паралимпиячиларимиздан олти нафари олтин медалга сазовор бўлди. Демак, паралимпиячиларимиз сазой-ҳаракати ва ёрқин галабаси эвазига дунё мин-

бариди олти марта Ўзбекистонимиз мадҳияси янграб, байрогимиз кўтарилди. Бу албатта, қалбларни фахру ифтихорга тўлдирди.

(Давоми 15-бетда.)

Yoshlarga oid davlat siyosati – amalda

Бахтли болалар мамлакати



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан жорий йил мавсуми бўйича болаларни ёзги дам олириш ва соғломлаштириш ташиқлотчиларининг VI анъанавий форуми ўтказилди.

(Давоми 4-бетда.)

НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислон Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абодий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шарт-

нома ва бошқа ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкilotи, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳиллик айёми — Қурбон ҳайити кунларида амалга оширил-

гани Ислон Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намойён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодий ва сиебсати-ни белгилаб берган улуг давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислон Каримов халқаро анжуманларда ҳар

доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаганини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига этди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ХАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Пок ниятлар, эзгу амаллар айёми

Мамлакатимизда кенг нишонланган Қурбон ҳайити тадбирларида халқимизнинг меҳр-муруват, оқибат, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу қасдлари яна бир бор намойён бўлди.

Жомеъ масжидларида ўқилган ҳайит намозларида мўмин-мусулмонлар Яратгандан юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўқин-соқинлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-диний қадриятлари қайта тикланди. Рамазон, Қурбон ҳайитлари эмин-эркин кенг нишонланганидан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу муборак айёмни кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида бўлгани сингари пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ҳам Қурбон ҳайитига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Кўчалар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳлар, қабристон ва масжидлар, тарихий обидаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

"Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар бўлими ҳаракати туман бўлиmlари ҳамкорлигида уюштирилган хайрия тадбирлари халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатларини намойён этди.

Жамоатчилик гуруҳлари томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ёшлар ўзалар кўмагига эҳтиёжманд кексаларга уй ишларида кўмаклашди.

Байрам муносабати билан нуронийлар ва ёшлар иштирокида тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга саёхатлар уюштирилди. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимизда бой маънавий меросимизни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказиш йўлида амалга оширишга эзгу ишлар билан яқиндан таништириш, навқирон авлодди она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Маҳаллаларда ташкил этилган авлодлар учрашувлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, юртимизда амалга оширишга хайрли ишларда уларнинг фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Қурбон ҳайити эзгу амаллар айёмидир, — дейди Яшнобод туманидаги Авиасозлар маҳалласида яшовчи Мавжуда ая Ашрафоновна. — Маҳалламизда байрам муносабати билан кўча ва майдонлар, кўп қаватли уйлар атрофи, ҳовли-жойлар тартибга келтирилди.

Самарқанд вилоятида ҳам муборак Қурбон ҳайити кенг нишонланди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мазкур байрамни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Маҳалла ва гузарлар, қабристон ва зиёратгоҳларда ҳайит олдида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган мўмин-мусулмонлар ибодат амалларини адо этди.

Минглаб юртдошларимиз Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди.

— Вилоятимиздаги барча мўмин-мусулмонлар Қурбон ҳайити намозини тинч-осойишта кунларимизга шукрона айтган ҳолда ўқиди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили ўринбосари Зайниддин Эшонқулов. — Ибодатларимиз чоғида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасини ёд этиб, у кишининг ҳақларига дуолар қилдик. Юртимиздаги осойишталикнинг барқарор бўлиши, давлатимизнинг янада раванқ топишини тиладик.

Фарғона вилоятида ҳам Қурбон ҳайити юксак савияда нишонланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳам-

жихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятдаги Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Пурсиддиқ қадамжолари ободонлаштирилиб, кўркем зиёратгоҳларга айлантирилди. Буюк аждодларимизнинг юбилей саналари кенг миқёсда нишонланаётгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

— Халқимизга хос меҳр-муруват, саховатпешалик ва бағрикенглик фазилатлари Қурбон ҳайити тадбирларида янада яққол намойён бўлди, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров. — Байрам арафасида маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва оилаларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллаларда "Уттанлар руҳини шод этайлик", "Уч авлод учрашуви", "Меҳр-муруват — инсонга зийнат" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Вилоятдаги барча жомеъ масжидларида ҳайит намозини ўқиш учун ҳамма шароит яратилди. Ҳайит намозларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотираси яна бир бор ёд этилиб, ҳақиқа Қуръон тиловат қилинди.

Сурхондарё вилоятида ҳам муборак Қурбон ҳайити тадбирлари халқимизга хос бағрикенглик, аҳиллик руҳида ташкил этилди.

Ушбу муборак айём муносабати билан тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, масжид ва қабристонлар атрофи ободонлаштирилди. Кўча ва йўллар, маҳалла гузарлари, бозор ҳамда бошқа аҳоли гаужум ҳудудларида йўл-транспорт, ёнғин ва бошқа хавфсизлик чоралари кўрилди. Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишга, халқимизга хос миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида кенг нишонлаш аҳойиб анъанага айланганини ҳеч қачон унутмаймиз, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзикул Соатов. — Қатор жамоат ташкилотлари, саховатпеша тадбиркор ва фермерлар халқимизга хос эзгу ишларни амалга ошириб, Меҳрибонлик ва Муруват уйларига, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олинди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида Қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган хайрли тадбирлар кўпмиллатли халқимиз ўрта-бирдамлик, аҳиллик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

2016-yil 14-sentabr, № 74 (8931)

Таълимда янгиланиш ва такомиллашув узлуксиз жараёндир. Истиклол йилларида мамлакатимизда юқори малакали, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими яратилди ва мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. 1990-йиллар бошида Ўзбекистонда 42 та oliy таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 80дан ошди. Шу билан бирга, мамлакатимизда бир неча хорижий oliy таълим муассасалари фаолият кўрсата бошлади. Гап фақат сон кўрсаткичларининг ўсишида эмас, балки таълимнинг мазмунан боийши, тизимнинг жаҳон андозала-

— жами 1198 та ўқув фани дастури тайёрланди. 2016-2017 ўқув йилига тайёргарлик жараёнини ҳар томонлама сифатли ташкил этиш мақсадида oliy таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш учун тўртакта ишчи гуруҳ ташкил этилди ва улар август ойи давомида иш олиб борди. Қолаверса, таълим сифати ва самарадорлигининг асосий гарови бўлган профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилиб, зомонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режаси ва дастурларига хо-

шер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилиши бўлди. Университет жамоасининг асосий вазифаси ўзбек тили ва адабиёти бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўзбек тили ва адабиётининг фойдаланиш йил сайин ошаётгани, АКТ билан таъминланиш кўрсаткичи ўсаётгани эътиборлидир.

— Жорий йил корпоратив тармоқ орқали ўқув-бошқарув масалаларига бағишланган 35 дан зиёд йирик тадбирлар видеоконференция шаклида ўтказилди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни

фақат ахборот узатувчи восита, балки рақамли матнларни акс эттирувчи доска, зарур ўринларда кўргазма воситаси ва ўқув қуроли вазифасини бажаради. Шу маънода, VPN технологияларига асосланган oliy таълим муассасалари тармоқнинг аҳамияти йил сайин ошаётгани, АКТ билан таъминланиш кўрсаткичи ўсаётгани эътиборлидир.

— Жорий йил корпоратив тармоқ орқали ўқув-бошқарув масалаларига бағишланган 35 дан зиёд йирик тадбирлар видеоконференция шаклида ўтказилди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни



Jarayon

ёшларнинг қизиқишига сабаб бўлди.

Oliy таълимда кузатилаётган тараққиёт омилларидан яна бири — таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг кун сайин мустаҳкамланаётганидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 майдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Миллий университети, 2016 йил 2 майдаги қарорига биноан Тошкент давлат техника университетининг фаолияти янада такомиллашди. Шу жумладан, Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ҳамда Ион-плазма ва лазер технологиялари институти академия таркибидан чиқарилиб, oliy таълим муассасаларига бириктирилди. Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ҳам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таркибидан қайта ташкил этилди. Буларнинг барчаси таълим жараёнини илмий тадқиқотлар, фаннинг энг сўнги янгиланган бари билан интеграциялашувини таъминлашга, аудитория билан тажриба майдони, лабораториялар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 августдаги қарорига кўра, йўлни лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги юқори малакали муҳандис кадрларга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжлар асосида Тошкент автомобиль-йўллар институти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти этиб қайтадан ташкил қилинди. Институтда автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва йўл усти транспорт тизимларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида халқаро стандартларга мос муҳандислар тайёрланади. Шунингдек, институтда автомобиль йўллари қурилишида янги материаллар ва технологияларни татбиқ этиш, конструкциялар мустаҳкамлигини ва энергия самарадорлигини ошириш, ер усти транспорт тизимлари логистикаси йўналишларида тадқиқотлар олиб борилади.

Oliy таълим бугунги шиддатли ва тезкор замон, илгарилар бораётган илм-фан ва ишлаб чиқариш билан ҳамқадам бормоқда. Мунтазам равишда шаклан ва мазмунан бойиммоқда. Амалга оширилаётган чоратadbirlar ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириб, зомонавий билимларни эгаллашга шарт-шароит яратмоқда. Бу каби янгиланишлар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Олий таълим:

Янги ўқув йили янгиланган

рига, зомонавий талабларга мос равишда йўлга қўйилишидир. Ҳозир таълим тизимини ривожлантириш бўйича жаҳон рейтингда юртимиз 141 мамлакат орасида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида тизимнинг тубдан ислоҳ этилгани, жумладан, oliy таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, oliy ўқув юртлирининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, oliy малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш каби йўналишларда тизимли, босқичма-босқич чоратadbirlar амалга оширилгани натижасидир. Юртимизда ҳар ўқув йилида таълим тизимида қатор янгиланишлар амалга оширилиши, жумладан, янги oliy ўқув юртлири фаолият бошлаши, зомонавий йўналишлар ташкил қилиниши, ўқув биналари қурилиб, таъмирланиб фойдаланишга топширилиши, хуллас, ривожланиш сари одимлаш аянага айланган.

— Жорий ўқув йилига тайёргарлик жараёнида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари илғор хорижий тажрибалар асосида қиёсий таҳлил қилинди. Натижада 186 та бакалаврият таълим йўналиши ва 434 та магистратура мутахассислиги малака талаблари ҳамда ўқув режалари қайта ишлаб чиқилиб тасдиқланди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Фарҳод Бабаев. — Асосан таянч oliy таълим муассасалари томонидан 1-курсда ўқитиладиган фанлардан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 755 та, магистратура мутахассисликлари бўйича 443 та

рижий тажрибалар асосида 401та янги модуль киритилди. Уларга мос 325 номдаги хорижий адабиётларнинг электрон вариантлари олинди ҳамда 325 та ўқув-услугубий мажмуалар тайёрланди.

Тизимда чет тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Истеъдод" жамғармаси томонидан инглиз тили ўқитувчилари ўртасида ўтказилган "Энг яхши инглиз тили ўқитувчиси" танлови педагог кадрлар учун ўзаро тажриба алмашиш, хорижда малака ошириш имконини яратди. Танлов натижаларига кўра энг юқори балл тўлаган 14 нафар инглиз тили ўқитувчиси 9–23 август кунлари Буюк Британиянинг Норвич тил ўқитиш институтида қисқа муддатли малака ошириш курсида билим ва малакасини ошириб қайтди. Шунингдек, хорижий тиллар бўйича дарслик ва ўқув-услугубий мажмуалар модернизация қилиниб, инглиз тили фанидан "Scale Up" номли учта китобдан иборат (Students' book, Teachers' book ва Work book) ўқув кўлланма ва унинг аудио диски яратилди. Бу асосан нофилологик йўналишлардаги 1-, 2- ва 3-курс талабаларига мўлжалланган. Магистратура босқичи учун жами 9 номдаги ўқув адабиёти чоп этилди. Бакалаврият таълим йўналишлари учун инглиз тили бўйича 11, магистратура босқичи учун 4, немис, француз ва испан тиллари бўйича 12 номдаги ўқув адабиётлари тайёрланди. Бу каби саяҳат-харажатларнинг барчаси oliy таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, аудиториядаги дарсонинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, илм-фан, ишлаб чиқариш янгиланган билан ҳамқадам бўлишга қаратилган.

Шу йилнинг энг муҳим янгиланганларидан бири Али-

майдондаги нуфузини оширишга қаратилган. Университет ҳузурида ўзбек тили ва адабиёти мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази фаолият бошлади. Бу орқали юртимиздаги таянч oliy таълим муассасалари ҳузуридаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари сони 15 тадан 16 гага етди.

2011–2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури доирасида айни кунгача 24 та oliy таълим муассасасининг 205 та бино ва иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 14 830 ўқувчи ўрнига эга 15 та янги ўқув биноси барпо этилди, 51 130 ўқувчи ўрнига эга 53 та ўқув биноси реконструкция қилинди. 40 455 ўқувчи ўрнига эга 46 та ўқув биноси капитал таъмирланди. 15 844 ўринли талабалар турар жойлари, 21 та спорт объекти ва 15 та бошқа иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу объектлар энг зомонавий мебель ва инвентарлар, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт анжомлари ва ўқитишнинг бошқа турдаги техник воситалари билан жиҳозланди. Жорий йил ҳам Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институтида қурилиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг янги биноси ва ташқи ҳудудида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди.

Илғор ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кун педагогининг асосий қўмақчиси. Чунки у на-

жорий этиш маркази директори Руслан Қурбонов. — Корпоратив почта хизмати ҳам йўлга қўйилиб, бу электрон ҳужжат айлануви жараёнидаги навбатдаги қулайликдир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги oliy таълим муассасаларида 35550 та компьютер мавжуд. Компьютер билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 нафар талабага 13,9 тадан тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 2015 йилда 12,2, 2013 йилда 11,4 тани ташкил этган. Таълим даргоҳларидаги Wi-Fi худудлари сони эса 630 гага етди. 2016-2017 ўқув йилида oliy таълим муассасаларининг ахборот технологиялари маркази ходимлари учун тармоқ технологиялари бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш режалаштирилган.

Жорий ўқув йилида илм-фан ривожини, иқтисодиёт тармоқлари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муқобил энергия, меҳатроника ва робототехника, манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш каби 18 та янги йўналиш ва 14 та мутахассислик бўйича талабалар ўқишга қабул қилинди. Жумладан, Тошкент давлат техника университетида "Интеллектуал муҳандислик тизимлари", "Биотибиёт муҳандислиги", Тошкент архитектура-қурилиш институтида "Коммунал инфратузилма ва уй-жой коммунал хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш", Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида "Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти", Тошкент тиббиёт академиясида "Тиббий биология иши", Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Санъатда анимациявий ва мультимедиявий лойиҳалаш", Тошкент давлат аграр университетида "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси" каби таълим йўналишлари

Yangiliklarda yurt nafasi



Ўзбек Миллий академик драма театрининг янги 102-ижодий мавсуми очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, театр фидойилари, маънавий тарғибotchилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, санъат мухлислари таклиф этилди.

Тадбир аввалида иштирокчилар мустақиллигимиз асосини, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг ёрқин хотирасига хурмат бажо келтирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият асосларини барпо этиш жараёнида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни тобора равнақ топтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Театр жамоаси илк бор 1945—1948 йилларда Уйғун ва Иззат Султон асари асосида «Алишер Навоий» спектаклини намойиш этган. Ушбу драмага театр ижодий жамоаси қайта-қайта мунозабат этиб, мазкур асар бир неча марта сахна юзидан кўрди.

Марғилон шаҳрида «Атлас байрами» анъанавий тўқимачилик фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, «Хунарманд» уюшмаси, «Ucell» компанияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда барча вилоятлардан келган хунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

«Атлас байрами» анъанавий тўқимачилик фестивали миллий хунармандликни ривожлантириш ва тарғиб қилиш, хунармандлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда туризмни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида «Ўзбек тўқимачилиги ва барқарор ривожланиш» мавзусида давра суҳбати, «Марғилон осмони остида», «Жаҳон тўқимачилиги: Шарқ ва Ғарб» номли кўргазмалар, «Хунармандлар шаҳарчаси» ярмаркалари ўтказилди. Ўзбек моделёрлари томонидан миллий матолардан яратилган либослар намойиши барчада катта қизиқиш уйғотди. Ёш хунармандлар учун таниқли усталар иштирокида анъанавий каштадўзлик, табиий бўяш, либослар дизайни бўйича маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Бахтли болалар мамлақати

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган анжуманда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, маданият ва спорт тизимлари мутасаддилари, ўқитувчилар, мураббийлар, оромгоҳлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани, бу жараёнда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу йилги мавсумда барча турдаги оромгоҳларда 303 минг 650 нафар боланинг дам олиши таъминланди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси»га мувофиқ оромгоҳлар фақатгина жисмоний соғломлаштириш масканлари сифати-

да эмас, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш марказларига айлангани қайд этилди.

Мазкур тизимли ишлар натижасида фақат ёш мавсумида эмас, балки йил давомида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўрилиб, барча ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришилди. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида яшовчи ўғил-қизлар, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, серфарзанд, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг болалари юртимиздаги сўлим оромгоҳларга имтиёзли тарзда жалб этилди.

Махсус дастурлар бўйича оромгоҳларда тарбиявий йўналишлардаги ишлар ва тадбирлар мазмуну тубдан янгиланиб, янада бойитилди. Барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кутубхоналар, турли тўғарақлар, спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилди, айниқса, ҳар бир мавсумда болалар учун чет тили тўғарақлари ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Болаларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, ихтисослашган оромгоҳларга ҳам эътибор қаратилди. Натижада «Интеллектуал ривожлантириш», «Хар-

Ўзбекистон тажрибаси тан олинмоқда

Пойтахтимизда «Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — жамият ривожланишининг мустақкам асоси: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, БМТ аҳолишунослик ҳамда болалар жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар, тиббиёт ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўз олган Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Ябутова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий моделининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир иштирокчилари Учтепа туманидаги Журжийойи маҳалласи ҳамда 23-оилавий поликлиникада бўлиб, ижтимоий ше-

риклик лойиҳаси доирасида саломатлик секторлари фаолияти, хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишилди. Умуммиллий ҳаракат дастурига айланган «Соғлом она — соғлом бола» концепциясининг ҳаётга жорий этилганлик даражаси билан кенг жамоатчиликни таништириш ва тажриба алмашишга қаратилган ушбу анжуманнинг иккинчи куни шўъбаларда давом этди.

— Мамлакатингизда оила маънавий-маърифий муҳитини мустақкамлаш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва баргараф этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг замонавий тизими яратилганига гувоҳ бўлдик, — дейди «НМ Hospitals» кўптармоқли клиникаси бошқарувчи директори Хавьер Каскоро Лара (Испания). — Инсон омили, оила, она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ илғор тажрибалар кенг оммалаштирилиши тарафдоримиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Кўргазмада мустақиллик манзаралари

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган «ЎЗА ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида кўргазма намойиш этилди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда санъат ва маданият соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани натижасида етакчи ижодкорлар ва санъат усталари яратган асарлар халқаро миқёсда эътироф этилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада намойиш этилган 200га яқин сара фотосуратларда жаннатманд юртимизнинг гўзал манзаралари, миллий қадриятлар, азим иншоотлари улкан бунёдкорлик ишлари

юксак маҳорат, нозик дид ва фалсафий ёндашув асосида акс эттирилган. Жумладан, «Сабантўй», «Поездда ухлаётганлар», «Кўпкари» эпик туркумлари, «Куч жойи» фотолойиҳасига оид асарларни марок билан томоша қилиш мумкин.

Тажрибали фоторассомлар Абдуғани Жумаев, Умида Абдуразоқова, Искандар Содиқзода, Сергей Карандаев, Ҳамдам Шорахмедовнинг асарлари томошабинни беихтиёр кўркам тоғу водийлар, дарё

ва саҳролар бўйлаб саёҳатга чорласа, Рустам Шарипов, Рустам Шагаев, Файрат Шукуров, Султонбой Деҳқонов, Раҳмонберди Исмолов фотосуратларидаги ҳар бир образда бетакорор, кўз илғамаган ҳаётий лаҳзалар лаҳзага муҳрланган. Муъжизавий жозибага эга фотоасарларнинг аксариятида оддий буюмларнинг асл гўзаллиги очиб берилган.

Юртимизнинг тинч-тотув ҳаёти, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, мустақилликнинг халқимиз учун яратган имкониятлари ифодаланган суратлар кишини бефарқ қолдирмайди.

МУХБИРИМИЗ

гулотлари, маданий-маърифий тадбирлар махсус режа асосида ташкил этилгани дам олиш мавсуми янада қизиқarli ва завқли ўтишига кўмаклашди, — дейди «Энг моҳир тарбиячи» номинацияси ғолиби, Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги «Кувноқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи тарбиячиси Нилуфар Бошманова. — Бу мамлакатимизда ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳиятли, соғлом ва баркамол инсонлар этиб воғга етказиш борасидаги эътиборнинг амалий натижасидир.

— Ун гектар майдонда жойлашган оромгоҳимизда Оролбўйидан келган мингдан ортиқ бола дам олди, — дейди «Энг намунали оромгоҳ» номинацияси ғолиби, «Сирдарё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Мурод Аллаёров. — Богимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари эвазига болаларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминладик, кутубхонамизни янги адабиётлар билан бойитдик. Кўпплаб мусобақалар уюштириб, болаларни муносиб рағбатлантирдик.

Форумда ғолибларга «Бахтиёр болалар мамлақати» статуэткаси, эсдалик совғалари, дипломлар ва касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

2016-yil 14-sentabr, № 74 (8931)

Ўқувчиларга чуқур билим бериш, мустақил фикрлашга ўргатиш ўқитувчи-педагоглар олдидagi энг муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифанинг амалга оширилишини таъминлаш мактаб раҳбарлари, хусусан, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Бу борада Кўштепа туманидаги 15-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Дилшода Ғойипованинг ўзлаштиришга арзиғулик тажрибалари талайгина. У фаолият олиб бораётган мактабда 603 нафар ўқувчига 37 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Эътиборлиси, муассасада ўқув-тарбия жараёнини таҳлил этиш учун видеокузатув йўлга қўйилган. Дилшода Ғойипова ўз тажрибаси ҳақида шундай дейди:

— Мактабда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари дарсларни, ўқитувчиларнинг ишга ўз вақтида келиб-кетишини назорат қилиш, педагогларга методик ёрдам бериш, энг намунали дарс-

ган, сабабсиз дарс қолдираётган ўқувчиларни аниқлаб, муаммоларни ҳал этиш, ўқувчиларнинг билими ҳолиси баҳоланишини назорат қилиш осонлашди.

Дилшода Ғойипова ўқув жараёнида ютуқларга эришиш учун турли тадбирлар ўтказди. Улардан бири "Яхши муаллим — сифатли таълим" инновациясини амалга ошириш, ўқитувчиларда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ёш педагоглар ўртасида ташкил этилаётган "Устозлар изидан борамиз" танловидир.

— Аввало, танлов иштирокчиларининг дарслари кузатилади, — дейди Дилшода Ғойипова. — Шундан сўнг дарс ишланмалари қўриб



Tajriba

муаллим — сифатли таълим" тадбирлар мажмуаси асосида намунали тарбиявий машғулотлар ва очик дарсларни мунтазам ўтказиш йўлга қўйилган. Натижада ўқув муассасасида "Илғор тажрибалар банки" яратилди. Банқдан ўқитувчиларнинг энг яхши дарс ишланмалари, методик тавсиялари, синф раҳбарининг илғор тажрибаси, бошланғич синф ўқитувчилари томонидан тайёрланган энг яхши кўргазмалари кўрилди, хуллас, педагог учун ўрганиш, фойдаланиш зарур бўлган ҳужжатлар ўрин олган. Маълумотлар тўрт йилдан буён мунтазам тўлдириб келинмоқда.

— Ўқув жараёнини намунали ташкил қилишини педагогик асосларидан бири — ўқитувчиларни соғлом турмуш тарзига риоя этишга ундаш, уларда ўзининг ва оила

Мактабгача таълим самарадорлигини таъминлаш йўлида

Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида вазирлик мутасаддилари иштирокида таълим муассасалари (МТМ, Меҳрибонлик уйлари, барча турдаги мактаб-интернатлар) тарбияланувчиларининг соғлом ва хавфсиз таълим олинишини таъминлаш, "Таълимда глобал ҳамкорлик" лойиҳаси доирасида ташкил этилган қисқа мuddатли гуруҳлар фаолияти самарадорлигини таъминлашга бағишланган видеосеминар ўтказилди. Тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг мактабгача таълим йўналиши бўйича мутахассислари, ХТХҚТМОИлар бошланғич ва мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчилари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБлар мактабгача таълим йўналиши бўйича методистлари, қисқа мuddатли гуруҳлар ташкил этилаётган ҳамда махсус МТМ раҳбарлари жойларда туриб тўғридан-тўғри кузатди.

Анжуманда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда МТМ педагогларининг салоҳиятини оширишга асосий эътибор қаратилди. Жумладан, МТМ мудиралари ҳар уч йилда, тарбиячилар ҳар беш йилда малака ошириши, энди меҳнат фаолиятини бошлаган, хусусан, махсус таълим бўйича ишлаётган ходимларнинг мутахассислиги лавозим талабига жавоб бериши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, оммавий оқватларини шохобчаларида болалар қатновига мочиларишда таом тайёрлаш технологиясига амал қилиш, ўткир ичак касалликларининг олдини олиш, ҳамширалар масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди.

— Мактабгача таълим муассасаларида гўш, сут ва тайёр махсулотларни сақлаш учун камиди учта музлаткич ишлаб туриши шарт, — дейди Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида оқватлантиришни ташкил этиш бўлими етакчи назоратчиси Абдурашид Содиков. — Ходимларнинг ошпазлик маҳоратини ошириш, ошхонадаги мосламаларнинг қувватига қараб озиқ-оқват махсулотларини харид қилиш ҳамда санитария ва гигиена талабларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда "Соғлом она ва бола йили" давлат дастурига киритилган "Таълимда глобал ҳамкорлик" лойиҳаси доирасида ташкил этилган 1220та қисқа мuddатли гуруҳ фаолиятини намунали йўлга қўйиш, "Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш" лойиҳаси бўйича ҳудудий таълим муассасаларига етакзилган ўқув-методик материаллар ва ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Видеокузатув ва изчил назорат

ларни оммалаштиришга тавсия этиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Таълим-тарбия мазмунини юксалтириш учун ўринбосар ўқув йилининг бошидаёқ оқоридаги вазифаларни акс эттирган режа тузиб олиши лозим. Шунда ўқув йили ниҳоясида самарадорлик таҳлили ва мониторингини сарҳисоб қилиш осонлашади. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарининг энг асосий вазифаси дарс таҳлили ҳисобланади. У дарс таҳлиliga қиришдан олдин ўқитувчиларни бир ёки икки ҳафта аввал оғохлантириши, бунда педагогнинг иш стажы, ёшини ҳисобга олиши керак. Шунда ўқитувчи руҳан тайёр бўлиб, бор маҳоратини ишга солади. Дарс таҳлиliga қираётган "Ўқитувчининг қайси жиҳатларини ўрганаман: унинг педагогик маҳорати, ўқувчилар билан ишлашини ёки нечоғлик психологик билимга эга эканини илғор педагогик технологиялардан қай даражада фойдалана олишини?" деб, ўз олдида аниқ мақсад қўйиши фойдалидир. Ёш ўқитувчиларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дарс таҳлиliga камчиликлар аниқланса, буни дабдурустдан айтмай, аввал унинг ютуқларини санаб, сўнг «Илғор педагогик технологиялардан фойдаланганингизда, бир ўқувчидан эмас, беш-олти нафар ўқувчидан саволнинг жавобини сўраганингизда яхшироқ натижага эришардингиз. Ўқувчи билан яхши ишладингиз, тажрибангизда яна бошқа бирор усулни қўллаганингизда дарсингиз бундан ҳам қизиқарли ўтарди», дейиши ўринлироқдир. Ҳозир мактабимизда видеокузатув йўлга қўйилган, дарслар таҳлили енгиллашди. Намунали очик дарслар ўтилаётган барча синфхоналарни кузатиш имкони пайдо бўлди. Видеокузатувнинг афзалликларидан бири — айрим фан ўқитувчиларининг маҳорати ва истеъдодига ҳолис баҳо бериш мумкин. Жумладан, уч нафар бошланғич синф ўқитувчиси паралел синфларда битта фандан дарс ўтаётган бўлса, видеокузатув орқали уларнинг билими, болалар билан ишлаши, кўргазмалари қурола ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини таққослаб, таҳлил қилиб бориш мумкин. Айниқса, дарсда қатнашаёт-

чиқилади. Универсал кўргазма яратиш шартда ўқитувчиларимиз бир-биридан қўлимайди, барча фанларда қўллаш мумкин бўлган кўргазмалари қурола яратади. Мурабийларнинг АКТ бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида тўртинчи шартни "Электрон қўллама яратиш" деб номлаганмиз. Бу борада ҳам ёш мутахассисларимиз ўз интилувчанлигини, янгиллик яратиш иштиёқини намоеён этаяпти. Энг қизиқарли шартлардан бири 45 дақиқалик дарс учун кўргазмалари қурола тайёрлаш бўлиб, бу шартда ҳам ёш муаллимлар турли янгилликлар билан бизни ҳурсанд қилаёпти.

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, улар ўртасида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни тарғиб этиш, илғор иш услубларини оммалаштириш мақсадида мактабда умумтаълим фанлари бўйича "Маҳорат мактаби" ташкил этилган. Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зулфия Рустамова, тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси Маликаҳон Султонова, чет тили ўқитувчиси Ҳавохон Турсунова маҳорат машғулотларини ўтишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Таълим даргоҳида ўқитувчиларнинг компьютер воситаларидан фойдаланиши учун барча шароит муҳайё. Сешанба ва жума кунлари ўқитувчилар учун АКТдан фойдаланиш бўйича махсус дарслар ўтилади. Машғулотларда тингловчилар веб-саҳифа яратиш, интернетдан фойдали маълумотларни юклаб олиш, веб-саҳифага дарс ишланмалари, кўргазмалари қуроладан намуналар жойлаштириш, слайдлар яратиш кабиларни ўрганаёпти. Мактаб кутубхонасида мингга яқин электрон қўлланмалар мавжуд бўлиб, ўқитувчиларнинг барчаси улардан фойдалана самарали фойдалана олади. Муассаса педагогларининг саксон фоизи шахсий ноутбукига эга. Электр энергияси таъминотида юз бериши мумкин бўлган узилишлар ҳисобга олинб, қуёш батареялари ўрнатилган барча техник жиҳозлардан бир маромда, узлуksиз фойдаланиш имконини бераётир.

Мактабда еттита фан методика бирлашмаси мавжуд бўлиб, "Яхши

аъзоларининг саломатлигига эътиборли бўлиш кўникмаларини шакллантиришдир, — дейди Дилшода Ғойипова. — Ривожланган давлатлардан биринчи педагогнинг бетоб бўлиши уят ҳисобланар экан. Сабабли ёки сабабсиз ўтилмаган бир соат дарс туфайли ўқувчилар зарур билимини эгаллашда бир ҳафтага орқада қолади. Шу боис ўқитувчилардан касаллик таътилга чиқишга нагли муносабатда бўлишни талаб этамиз. «Сифатсиз ўтилган дарс келажакка хиёнатдир» деган ибратли ибора бор. Дарс қолдириш эса икки қарра хиёнат дегани.

Мактабда фаолият юритаётган 12 нафар эркак ўқитувчи ташаббуси билан "Ўғил болалар клуби" ташкил этилган. Клуб ўғил болаларни тўғракларга жалб этиш, зарур касб-хунарларни ўрганиш орқали турли гоёвий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

— Йиллик режа асосида ҳар ойнинг муайян кунларида ўғил болалар учун танловлар, давра сўхбатлари, турли учрашувлар ўтказамиз. Фазилатлар ҳақида олиб бораётган сўхбатларимиз натижасида ўқувчиларда ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, ростгўйлик, ваъдага вафо каби хислатлар янада ривожланмоқда, — дейди клуб раиси, немис тили фани ўқитувчиси Муроджон Орипов. — Ўғил болалар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил ўқувчилар йўқ. Барча юқори синф ўқувчилари дарсдан сўнг ўз ҳудудидаги энг яхши хунармандага шоғирд тушиб, хунар ўрганмоқда.

Ҳа, мактабдаги мухитни янада соғломлаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқитувчилар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликини мустаҳкамлашда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарининг хизмати катта. Улар бошқарув фаолиятида мактаб раҳбарига яқиндан ёрдам бериш билан бирга, педагогларнинг дардига қулук тутиб, уларни қийнаётган масалаларга ечим топади. Шу боис ҳам ишнинг қўзини биладиган, ташаббускор бундай мутахассислар доим эътиборда бўлади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Инсон феъл-атворини мувозанатга келтирувчи куч

Хаётимизни мусиқа ва кўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, инсоннинг маънавий камолоти, руҳан покланишида санъатнинг бу тури беқийс аҳамиятга эга. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия тизимини, жумладан, мусиқа ва санъат таълимини янги босқичга кўтариш давлат сиёсати даражасидаги ҳаракатга айланди. Бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги ҳамда 2015 йил 20 ноябрдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича 2016—2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу қарорлар асосида бугунги кунга келиб, таълим муассасалари янгидан қурилган муҳташам биноларга эга

бўлиб, замонавий мусиқа чолғулари, асбоб-ускуна, ўқув мебеллари билан жиҳозланган. Қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган 283та болалар мусиқа ва санъат мактаби 27 хил жаҳон ва 15 хил миллий чолғулар билан таъминланди. Эндиликда ушбу мактабларда ҳам мусиқа, ҳам санъатга оид йўналишлар учун барча зарур шароитлар яратилган: мактабда пианинодан тортиб, дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг тоштарошигача бор. Миллий чолғуларни юртимиздаги энг моҳир усталар тайёрлаб берган бўлса, европа чолғулари буюртма билан келтирилган. Мисол учун, пианино Германиядан олиб келинган. Энди ҳар бир мактабда 20 тадан шундай чолғу асбоби мавжудлигини инобатга олсак, бу соҳага давлат эътибори нақадар катта эканини ҳис этиш қийин эмас.

Табийки, мусиқа мактабларида йўналишлар сони ҳам ортиб, саккизтадан ўн учтага етди. Ўз навбатида, ўқувчилар қармови ҳам икки баробарга ортди. Аваллари мусиқа мактаби қаердалигини аҳоли у ёқда турсин, айрим таълим ходимлари ҳам айтиб беролмасди. Эндиликда бу мактаб-

лар шахар ва қишлоқларимиз кўрқи ва фариҳга айланган.

Савол туғилади, шундай улкан, эзгу ислохотлар ким учун ва нима учун амалга ошириляпти? Игит-қизларни мусиқа ва санъат мактабларига жалб қилишдан мақсад нима? Албатта, ҳамма ўқувчи ҳам келажакда хонанда, созанда, раққоса бўлмайди. Бундай улкан ишлар замирида, келажак авлод, комил инсон тарбияси ётибди. Бош мақсад, мусиқа санъати орқали улар калбига эзгулик, яхшилик уруғини экишдир. Зеро, улғу мутафаккир Абу Наср Фиробий таъкидлаганидек, мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимки феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради.

Лекин шу ўринда яна бир савол туғилади. Ҳўш, ушбу мактабларга ота-оналар фарзандини ўз ташаббуси билан олиб келаяптими? Албатта, бунга кўпчилигимиз ижобий жавоб беришимиз аниқ. Шундай бўлиши ҳам керак. Лекин айрим жойларда мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчининг камлигидан ҳам кўз юма олмаймиз. Бу вазиятда эса нима қилмоқ лозим, деган са-

вол туғилади. Аввало, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган ансамбль ва оркестр жамоалари томонидан аҳолини мусиқа ва санъат мактабларига жалб қилиш учун ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозим. Бу борада куйидаги таклифларни бериш мумкин:

Биринчидан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари томонидан умумий ўрта таълим мактабларида ташвиқот ишлари ўтказиш, мусиқа ва санъат мактаблари ҳақида тўлиқ маълумотлар бериш, болалар билан суҳбатлар уюштириш лозим.

Иккинчидан, умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан турли хил тadbир, концерт, сахна томошалари ва кўргазмалар ўтказиш керак.

Учинчидан, таълим муассасаси маҳалла фуқаролар йиғини билан келишган ҳолда аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини олиб бориш, уларга ҳам концерт ва бошқа тadbирларни тақдим этиб, мусиқа санъатининг болалар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш зарур.

Тўртинчидан, оммавий ахборот воситаларида мусиқа ва санъатга бағишланган турли кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар бериб боришни кўпайтириш ҳам фойдали.

Бешинчидан, республика ва халқаро мусиқа танловларида голиб чиққан йигит-қизлар билан урчушулар ташкил этиш, шундай ютуқлар натижаси ўлароқ ОЎЮга имтиёзли қабул қилинган ёшларни ибрат қилиб кўрсатиш ҳам ижобий натижа бериши аниқ.

Мусиқадан бохабар инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Кўлига соз олган бола кимгадир қурол ўқталмайди. Зеро, бугунги таҳликали замонда ёшларни турли балоқазолардан асраш, "оммавий маданият" хавфидан йироқ қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишда мусиқа ва санъат мактабларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоят катта. Буни энг аввало ўқитувчилар, ота-оналар юракдан англамоғи керак.

Севара МАҲМУДОВА,
Республика
ихтисослаштирилган
мусиқа ва санъат
академик лицейи
ўқитувчиси

Инфографика нима?

ёхуд уни юртимиз таълим соҳасига татбиқ қилишнинг зарурати

Бугунги глобаллашув замонида ахборот оқими чунона тезлашиб ва кўпайиб кетдики, уларнинг ҳаммасини ҳам ўрганиб, таҳлил қилишга ва вақт на имкон топилди. Яқин ўтмишда маълумотлар телевидение, радио, китоб, газета ва журналлардан олинган бўлса, ҳозир интернет ахборот тарқатувчи воситаларнинг барча хусусиятларини ўзида муҳасамалаштирган ҳолда ушбу вазифани бажармоқда. Ахборот тарқалиш суръатининг жаддаллашуви ҳам ахборот тарқатувчиларнинг, ҳам фойдаланувчиларнинг зиммасига масъулият юклайди. Маълумотларни тўғри танлаб фойдаланиш билим, малака ва кўникма талаб қилса, ахборотни ўқувчига осон ва самарали етказиш ҳам муҳим заруратга айланди. Инфографика ана шу ҳар икки томоннинг аҳтиёжини қондиришда муҳим восита ролини бажарди.

Инфографика ўзи нима, деган ўринли савол туғилиши табиий. Инфографика — лотин тилида — маълумот бериш, тушунтириш, баён этиш; грек тилида "γραφικόν" — ёзма ифода-лаш деган маъноларни англатади. Демак, инфографика — бирон-бир мавзуга тегишли ахборотларни графика, жумладан, расм, чизма, харита, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, жадвал, рақамлар ёрдамида бир бетда баён этиш орқали фойдаланувчига кўргазмалли тарзда тақдим этишдир. Ҳозир ривожланган давлатларнинг бошқарув, педагогика, журналистика, география, статистика, тиббиёт, ҳарбий, картография, информатика ва бошқа кўплаб соҳаларида инфографикадан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Инфографика тарихини жуда узок ўтмиш билан боғлаш ҳам мумкин. Қадимки хариталар айнан инфографиканинг оддий усулларини кўллаган тарзда тuzилган. Шундай бўлса-да, инфографика бугунги кўринишдаги ахборот тарқатиш усули сифатида ўтган асрнинг 70—80-йилларидаги АҚШ газета ва журналларида пайдо бўлган. Масалан, "USA Today" газетасининг 1982 йили чоп этилган сонларида инфографикадан фойдаланиш нафақат газетанинг оммалашиб, тиражи ортишига, шунинг баробарида газетачиликнинг бизнес ва санъат даражасига кўтарилишига сабаб бўлди.

Инфографиканинг қўлланиш соҳала-

ри кенг бўлгани учун ҳам унинг ҳар хил турлари мавжуд. Масалан, "рақамлар суратларда" деб аталган инфографика махсулоти бошқаларига қараганда кенгрок тарқалган бўлиб, рақамли маълумотларни қулай шаклда англаб олишга хизмат қилади. Кенгайтирилган рўйхатда статистик маълумотлар баён этилади. Жараён ва манзара деб ном олган инфографика эса тоmoshabининг қийин жараёнлар ёки бир неча ҳавола қилинган манзараларни кўз олдига келтиришига хизмат қилади. Бундай инфографикада ҳеч қандай рақамли маълумотлар иштирок этмаслиги ҳам мумкин.

Инфографиялар тасвирларни акс эттиришига қараб статик (айрим расмларни анимациясиз кўрсатиш) ҳамда динамик (анимациялар орқали ахборотларни кўрсатиш), ах-

борот манбаига қараб эса аналитик (маълумотларни таҳлил қилишга йўналтирилган), ангилитарни акс эттирувчи (оператив режимда аниқ бир ангилитарни бериш), реконструктив (муайян воқеаларни хронологик баён этиш) турларга бўлинади.

Ҳозирги кунга келиб интерфаол инфографикалар кенг ривожланиб, таълим ва тарбия соҳасига ҳам олиб килинмоқда. Бу жараён ривожланган мамлакатлар таълим тизимида кузатиляпти. Интерфаол инфографикада ҳолат, жараён ва воқеаларга оид ахбо-

Fikr, mulohaza, taklif

рот ҳаракатдаги ва овозли расмлар, жумладан, график, фото, чизма, харита, рўйхат, диаграмма, блок-схема, реестр, жадвал, рақамларни бир бетда баён этиш орқали фойдаланади.

Юртимиздаги www.ziyo.edu.uz, www.uznature.uz каби сайтларда давлат идораларига, www.ekomaktab.uz, www.unesco.org, www.unfdr.org сайтлари эса нодавлат ва халқаро ташкилотлар фаолиятига доир инфографика махсулотлари билан танишиш мумкин. Шундай бўлса-да, ҳозир ушбу масала бўйича махсус илмий тадқиқотлар олиб борилгани йўқ. Шунинг учун республикамизда "инфографика таълим"нинг илмий-методологик асослари ишлаб чиқилиб, авваломбор, мамлакатимиз ёшларини тўлиқ қамраб олувчи таълим тизими учун ўқув адабиётларида инфографика кенг қўлланилса, (дастлаб унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш керак) мақсадга мувофиқ бўлади.

ЗИЛЪТЛАНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Асқаров Ф. И. Инфографика, қилинган таълим воситаси ва воситаси — бу қандайдир маълумотни маълумотга осон ва қулай равишда етказиб беришга ёрдам қилади.

Тасвир ва тасвирларнинг асосий турлари

1. Тасвир (фотосурат, видео, аудио, рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт).
2. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
3. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
4. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.

Қулай тасвирларнинг профилактикаси

1. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
2. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
3. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
4. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.

Тасвирларнинг профилактикаси

1. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
2. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
3. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.
4. Тасвирнинг асосий турлари: рақамли маълумотлар, ҳарбий, қўриқчилик, савдо, спорт, маданият, таълим, ҳаёт.

Масаланинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги "Маълумот педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди белгиланган таълим жараёнида қатор замонавий таълим усуллари билан бирга электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш бўйича чет эл тажрибасини қўқур ва ҳар томонлама ўрганиб азамилётга жорий қилиш борасидаги вазифаларни келтириш мумкин. Эндиликда таълимнинг ўқитиш воситаларидан бири "инфографика таълим", яъни ёшларда муайян компетентлик хусусиятларини ҳосил қилувчи инфографикага асосланган ўқув адабиётлари, сўнгра электрон дарслиklar, электрон мультимедиа воситаларини кенг жорий этишининг илмий асосларини яратиш зарур.

Айтиш мумкинки, инфографика умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими самардорлигини оширувчи, оддийдан мураккабликка ҳамда ихтисосликка томон йўналтирилган иллюстратив-ахборот олиш имкониятини бериувчи материаллар кенг қўлланилган ўқув адабиётлари сирасига қиради. Буни 2012 йилдан миллий таълим тизимига татбиқ қилинган "Хаёт фаолияти хавфсизлиги" ўқув модули учун тайёрланган инфографика мисолида кўрсатиш мумкин. Умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичлари учун янги авлод ўқув адабиётлари яратиш, уларни тажриба-синовдан ўтказиш ва тегишли методик ишланмалар, йўриқномалар яратиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида инфографикага асосланган янги авлод ўқув манбаларини яратиш, татбиқ қилиш ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини оширади, уларни фойдалаштиради. Шунинг баробарида камчиқим ва самарадор дарслик, ўқув, ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқишни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Асқар НИҒМАТОВ,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими
tizими кадрларни малакасини
ошириш ва уларни қайта
тайёрлаш институтининг
"Таълимда бошқарув" кафедраси
муdiri, профессор,
Гулнора НИҒМАТОВА,
Шу институтнинг "Амалий касбий
таълим" кафедраси катта
ўқитувчиси

2016-yil 14-sentabr, № 74 (8931)

Мамлакатимизда юридик таълим ривожига бевосита давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобида келтирилган "Иқтисодиёт ва экология, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда мавжуд бўлган кўпгина зиддиятлар — мансабдор шахслар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги жуда паст даражада эканлиги оқибатидир. Жиноятчиликнинг, айниқса, ёшлар ўрталарида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ташвиш тудирмоқда. Агар шахсга сиғиниш йилларидаги ҳуқуқий бебошлик оммавий қонунсизликларга олиб келган бўлса, ҳозир эса ҳуқуқий либерализм оқибатида одамлар безорилардан, экстремист кайфиятидаги кимсалардан озор чекмоқда — аччиқ бўлса-да, шундай хулоса чиқаришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ-равшан тартибга солиш бир қанча ҳуқуқшунослик муаммолари комплексини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳал этиш керак" деган фикрларини ўқиган киши мустақиллик арафасида юридик таълимни ислоҳ этиш нечоғлик зарур бўлганини тегран ҳис этади.

рилган юридик таълим сиёсати жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган юридик таълим тизимини яратиш баробарида, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни, жумладан, халқимизнинг маънавий-маданий кадрлари ва ўзига хослигини акс эттириди. Юридик таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳуқуқий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим воситаси — таълим қонунчилиги ва уни ҳаётга жорий этишдир. Таълим тизимидаги қонунчилик ҳолати, юридик таълим тизимини ислоҳ этишга доир янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

тириш ҳамда аниқ йўналишлар бўйича талабаларда ўқитишнинг тахлий фикрлаш ва ҳуқуқни қўллаш кўникмаларини шакллантирувчи замонавий шакл ва методларидан фойдаланиш, долзарб ҳуқуқий муаммолар бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, республикамиздаги ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, талабаларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ўстириш ва маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, универ-

миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини пухта биландиган, хорижий тил ва ахборот-коммуникация технологияларини мукаммал эгаллаган профессионал юрист кадрлар етишиб чикмоқда.

Хулоса ўрнида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтган куйидаги фикрларини келтириш ўринли:

"Ҳаммамиз шуни тан олишимиз керак, жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — бу

Юридик таълим ривожига

Ҳуқуқий таълимда амалга оширилган ислохотларни уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич ташкилий жиҳатини ўзда мужассам этиб, у ўз вақтида ва мантиқан тўғри англаган аниқ мақсадли тарзда бошланган эди. Юртимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, қонунчиликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг, хусусан, раҳбар ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш айнан юридик таълим ислохотига боғлиқ эди. Шу боис республикамизда ҳуқуқий таълим ислохотининг дастлабки босқичи 1991 йил 15 августда Тошкент давлат юридик институтининг ташкил этилиши билан бошлангани қайд этиш ўринли. Бу орқали мустақиллик арафасида юридик таълим, шу соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш, ислоҳ этишга киришилган эди.

Юридик таълим ривожининг иккинчи босқичи мамлакатимизда ижтимоий таълим тизимининг тубдан ислоҳ этилиши билан бевосита боғлиқ. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. 1997 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиши яхшилаш ҳақида"ги фармони қабул қилинди. Бундан асосий мақсад ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни қарор топтириш,



маънавий ҳамда маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни мазмунан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари сифатини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам юридик таълим ислохотини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Дастурга кўра республикамиздаги юридик таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юридик адабиётлар нашр этишни қўллаб-қувватлаш, юристларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юридик таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш имконини берди, изчил олиб бо-

қилинаётганлиги ва уларнинг амал қилаётганлигидан гувоҳлик бермоқда. Мазкур қонунлар йиғиндиси қонунчиликнинг янги тармоғи — таълим қонунчилигини ташкил этади.

Мамлакатимизда юридик таълим ислохотларини учинчи босқичи сифат ва самара, тақомил босқичидир. Мазкур босқич юридик таълим ислохотларини амалга ошириш, уларни янада такомиллаштиришни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти юридик таълим ислохотлари борасида яратилган мавжуд тизимни мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар билан уйғунлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ҳамда замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган.

Ушбу ҳужжатда Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлан-

ситетда таълим жараёнига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ҳамда давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг амалий иш тажрибасига эга бўлган педагог кадрлари ёки хорижий мамлакатларнинг малакали мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш каби аниқ мақсадлар белгиланган.

Юридик таълим мамлакатимизда умумий таълим тизимининг муҳим ажралмас таркибий қисми саналади. Шу нуқтаи назардан юридик таълим тизимидаги ислохотлар умумий таълим тизимининг такомиллашуви ва миллий ҳуқуқ тизимининг халқаро ҳуқуқ тизимига интеграциялашувига хизмат қилади.

Республикамиз иқтисодий тармоқлари ва минтақалари учун зарур бўлган юридик ихтисосликлар бўйича юқори малакали юрист кадрларни сифатли тайёрлаш, юридик йўналишдаги олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиниши иш бераувчиларнинг олий маълумотли юрист мутахассисликларга эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш шарт. Бугун нафақат муайян назарий билимга эга, балки юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, ҳуқуқни қўллаш амалиётини талаб даражасида ўзлаштирган,

одамларни қонунга хурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишидан иборат. Буни эсимиздан чикармаслигимиз зарур.

Биз демократик ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз деб олдимизга кўяр эканмиз, бу йўлда жуда муҳим бир шартни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз даркор. Яъни, демократия йўлига киришимиз аввало аҳолининг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиқлар ва қолиплардан воз кечишимизни сўзда эмас, кундалик ҳаётимизда таъминлашни талаб қилади. Бу эса албатта бир кунлик осон иш эмас — барча вақт керак, янги ҳаётни ўз ортида қурмоқчи бўлган ҳар қайси инсон шунга астойдил интилиши зарур. Аввало бу мақсад унинг онгу тафаккурида мустаҳкам ўрин топиши даркор.

Бунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришимиз, унинг сифатини тубдан яхшилашимиз лозим".

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти

«Мен меланхолик эмасман!»

ёхуд ўқувчингиз характерини қандай аниқлайсиз?

Катта танафусга кўнгирак чалиниши билан 8-синфда ўқийдиган Зухра кириб келиб, дабдурустандан:

— Мен меланхолик эмасман! — деб йиғлаб юборса бўладими.

— Ким сени меланхолик деди, — уни тинчлантириш учун қўлидан тутиб, ўтиришини айтдим. — Ана энди гапир.

— Менинг характерим ёмон экан.

— Бекор гап!

— Мана, ўқинг, “Одам ва унинг саломатлиги” дарслигида ёзиб қўйибди меланхоликларнинг қанақалигини. Улар кўрқок, ишқмас бўлар экан.

Унинг қўлидаги китобда шундай ёзилган эди: “Меланхолик — кам ҳаракатчан, ишқмас, кўрқок, мустақил фикрга эга эмас, фикрлаши паст”. Ўзимни хотиржам тутиб, қизни «йўл»га солдим:

— Кел, яхшиси аввал қайси темпераментга мансублигини аниқлаб оламиз, — деб “Ўқувчи нерв тизимининг хусусиятларини ўрганиш методикаси” китобини унинг олдига қўйдим. Зухра методикани қизиқиб ишлаб чиқди. Натижа унда чиндан ҳам меланхолик характери устунигини кўрсатди.

— Темпераментни ўзгартирса бўладими, мен меланхолик бўлишни истайман, нима қилсам ўзгараман? — деди у ялинган оҳангда.

— Зухра, энди мени диққат билан эшит! Сенинг яхши ёки ёмон характерда бўлишинг бу темпераментга боғлиқ эмас. Мен сангвиник, холерик ёки флегматик типига мансуб салбий характердаги одамларни ҳам кўрганман. Аслида, меланхоликлар таъсирчан бўлгани учун уларни шунақа деб ўйлашади. Лекин уларда айнан шу таъсирчанлик туфайли ижодкорлик юқори бўлишини кўпчилик билмайди. Меланхолик темпераментдаги машҳур шоирлар, музикачи ва rassomлар жуда кўп. Келажакда қандай инсон бўлиш фақат ўзингга боғлиқ.

— Унда китобда нотўғри ёзилганми? — сўради яна Зухра.

— Йўқ, китобда тўғри ёзилган, ҳар бир одамда бир неча темперамент белгилари мавжуд, аммо уларнинг биттаси устуник қилади. Сени «меланхоликсан» дегани билан бутунлай ўша темпераментга тегишли бўлиб қолмайсан. Мана, ишлаган методиканга қара, флегматикдан салгина юқори натижани кўрсатиб турибди. Демак, сенда флегматикка хос фазилатлар ҳам бор.

— Ҳа, тушундим, ўзимни-ўзим тарбиялашни керак экан, — деди ўқувчим чехраси ёришиб. Кўнгирак чалинди. Ўқувчим раҳмат айтиб, мен билан хайрлашди. Хўрматли педагоглар, Зухра билан боғлиқ юқоридagi ҳолатдан сўнг ўйлаб қолдим: Касбимиз талабига кўра, таъсирчан ёшдаги ўсмир болаларга “сен меланхоликсан” дейиш тўғримикин? Бу билан ўқувчини ноқулай вазиятга солиб қўймаймизми?

Ёшлар келажаги, таълим-тарбиясига биз педагоглар масъулимиз, шунини инобатга олиб, темпераментга муносабат бобига қуйидаги педагогик технологияни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

Ўқувчи нерв тизимининг хусусиятларини ўрганиш методикаси

Ўқувчининг нерв тизимига хос хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган бу методика оддий бўлиб, олий

нерв фаолияти типлари ҳақидаги назарий қарашларга асосланган. Ушбу методиканинг умумий материали ҳар хил темпераментга эга бўлган одамларнинг хулқ-атворида оид сифатларни ифодаловчи ҳукмлардан ташкил топган. Иштирокчи бу ҳукмлар билан танишиб чиққан, улар орасидан ўз хулқ-атворида мос келувчи бандларни танлайди.

Иштирокчига кўрсатма: «Турли ҳаётий вазиятларда одам ўзини ҳар хил тутати. Қуйида инсон хулқ-атворининг ҳар хил шакллари тасвирловчи ҳукмлар келтирилган. Барча ҳукмлар тўртта-тўрттадан ўн икки бандга ажратилган. Сиз бу



Sinab ko'ring!

ҳукмлар билан танишиб, ҳар бир банддаги тўрт ҳукм орасидан ўзингизнинг хулқ-атворингизга кўпроқ мос келадиغان биттасини танланган ва жавоб варақасида унинг тартиб рақамини белгилаб қўйинг:

Методика матни

1.1. Кайфияти барқарор эмас, тез-тез ўзгариб, шодлик ўрнини гам эгаллаши мумкин.

1.2. Мудом барқарор, бир текис.

1.3. Кўпинча кўтаринки, қувноқ кайфиятда.

1.4. Доимо маъюс, гамгин.

2.1. Хатти-ҳаракатлари фаол, ҳаракатчанлиги юқори.

2.2. Юриш-туриши вазмин, имо-ишоралари секин.

2.3. Сабъ-ҳаракатлари ишонсиз, овози паст ва кучсиз.

2.4. Шошқалоқ, кескин.

3.1. Муваффақиятсизликка учраганда ҳам мақсадга интилаваради, энгли йўлни қидирмайди.

3.2. Омад юз ўғирганда қаттиқ сиқилади, ишга қайтадан киришишни хошлайди.

3.3. Муваффақиятсизликка учраганда мақсадга эришишнинг осонроқ йўллари қидиришга киришади.

3.4. Мўлжалидаги ютуққа эришолмас, уни тез орада унутади ва ҳар қандай янги ишга тез киришади.

4.1. Тез толиқади, хаёл суришни яхши кўради.

4.2. Берилиб ишлайди, лекин шижоати узоққа чўзилмай ишни ярмидан ташлаб юбориши мумкин.

4.3. Ишга астойдил киришади ва нима бўлса ҳам уни охиригача етказиш чорасини излайди.

4.4. Бир вақтнинг ўзида бир неча ишга қўл уриши мумкин.

5.1. Мулоқотда ўзини таъсирчан тутати, баланд овоз билан кулиши, пантомимика(имо-ишора)дан фаол фойдаланиши мумкин.

5.2. Доимо атрофдагилар билан мулоқотда бўлишга, бошқалар кайфиятини кўтаришга интилади.

5.3. Суҳбатда ўзини камтарона ва мулоҳазали тутати.

5.4. Гаплашишга интилмайди, қувноқ давралар унинг табиатига эди, аммо яқин дўстлар билан тез-тез мулоқот қилиб туришни хуш кўради.

6.1. Ҳар қандай вазиятда бошқалар билан дардлашади.

6.2. Нотаниш кишилар билан ҳасратлашиб ўтирмайди.

6.3. Ўз ҳиссиётларини ёлғизликда кечириб одатланган.

6.4. Ҳиссиётларни жўшқин ҳолатда бошдан кечиради, ҳаттоки мулоқот нотаниш одамга ўз кечинма-

лари ҳақида гапириб бериши мумкин.

7.1. Танқидни хотиржамлик билан қабул қилади, тортишмайди, лекин айнан бир хатони такрорлай-вериши мумкин.

7.2. Танбех унга ёқмайди, тортишади, ўзини оқлаш учун баҳона ахтаради.

7.3. Дашном берилса, диққат билан тинглайди, хатоларини тезда тўғрилашга ҳаракат қилади.

7.4. Ҳар қандай танбехдан хафа бўлиб, таъсирланиши мумкин.

8.1. Бирор ишдан сўнг бошқа-

Жавоб варақаси

Т'р	Сангвиник	Флегматик	Холерик	Меланхолик
1	1.3	1.2	1.1	1.4
2	2.1	2.2	2.4	2.3
3	3.4	3.1	3.3	3.2
4	4.4	4.3	4.2	4.1
5	5.2	5.4	5.1	5.3
6	6.1	6.3	6.4	6.2
7	7.3	7.1	7.2	7.4
8	8.4	8.2	8.3	8.1
9	9.2	9.4	9.1	9.3
10	10.1	10.3	10.4	10.2
11	11.3	11.1	11.2	11.4
12	12.4	12.2	12.3	12.1

сига тезда кириша олмайди, ўзини ҳорғин сезади.

8.2. Дарров чарчамайди, чарқокни тез унутади.

8.3. Аввалги ишни ақунламасдан, янги ишга киришаверади.

8.4. Қийин вазифани бажариб бўлгач, тезда бошқа ишга киришиб кетиши мумкин.

9.1. Дард-аламни ўзгаларга сездирмай бошидан кечираверади, лекин уни тез унутади.

9.2. Мўшуқликларни осон енгади.

9.3. Мусибатни оғир қабул қилади, уни узоқ вақт ёдидан чиқармайди.

9.4. Атрофдагиларга кўринмас ҳам стрессини анча оғир бошдан ўтказиши.

10.1. Ҳазил-мутойибани ёқтиради, биров билан ҳазиллашса, хафа бўлмайди.

10.2. Кам ҳазиллашади, ҳазилдан тез-тез хафа бўлиб туради.

10.3. Ҳушчақчақликни севади ва қадрлайди, лекин бировнинг устидан қилинаётган ҳазилда қатнаш-масликка интилади.

10.4. Одамларга ёқиш-ёқмаслигини ўйламай, улар билан ҳазиллашиб туради.

11.1. Ишга киришишдан олдин ҳаммасини пухта ўйлаб чиқиб, режалаштиради, бордиро режалари бузилса, янги шартга кўника олмайди.

11.2. Ҳар қандай ишга оқибатини ўйламай киришади, шариот ўзгарса, янги муҳитга осон мослашиб кетади.

11.3. Иш режасини тезкорлик билан тузиши, шариот ўзгариши билан эса янги муҳитга қўйналмай кўника олиши мумкин.

11.4. Қатъиятсизлиги туфайли иш режасини қийинчилик билан тузади, кўпинча тайёр режадан фойдаланади, шариот ўзгариб қолса, нима қилишини билмай гарангсиб қолади.

2016-йил 14-сентябр, № 74 (8931)

12.1. Нозик ҳиссиётларга тез берилувчан, жуда таъсирчан.

12.2. Таассуротларини ўзгартришга интилмайди, ўзини одатий шариотда яхшироқ ҳис этади.

12.3. Ёрқин таассуротларни, уларнинг тез-тез алмашинишни ёқтиради, бунга жон-жаҳди билан интилмайди.

12.4. Таассуротларини бойитишга ҳаракат қилади, кўнгилоҳ жойларга тез-тез бориш жону дили.

Натижаларни ҳисоблаш

Натижаларни ҳисоблаш учун жавоб варақасининг ҳар бир устунига нечтадан ҳукмнинг тартиб рақами қўйилгани аниқланади. Қайси устунда тартиб рақам энг кўп қўйилган бўлса, синалувчида ушбу устундан мос келувчи темперамент етакчилик қилиши ҳақида хулоса чиқарилади.

Темперамент типларининг психологик тавсифи

Сангвиник

Сангвиник баланд овоз билан қулади. Юз ифодасида фаол имо-ишора устун, пантомимика (бутун аъзолар ҳаракати) ҳам сезилади; ҳиссиётлари юзидан ёрқин ифодаланади. Қуйи даражада сезувчан, юқори даражада ҳаракатчан. Янги ишга тез киришади, топқир. Ҳиссиёт ва қизиқишлари тез ўзгаради. Нотаниш кишилар билан киришувчан, янгица шариотга мослашувчан. Бир ишни бошласа, тез ўрганади.

Холерик

Холерик қуйи даражада сазгир, юқори даражада фаол. Бесабр ва жиззаки, асабий, қатъиятсизроқ, диққати бўлинувчан, қизиқиш ва интилишлари барқарор.

Флегматик

Флегматикнинг ҳиссиётлари суст; уни хафа қилиш, қулдириш, жажлини чиқариш қийин; босиқ ва вазмин; мимика ҳаракатлари суст, ҳаракатлари маъносиздек; сабр-тоқатли; диққатини кўчиришга қийналади; янги шариотга қийинчилик билан мослашади.

Меланхолик

Меланхолик — юқори даражада сезгир; арзиманг нарсадан таъсирланади; мимика ва ҳаракатлари ифодасиз; паст овозда гапирди ва йиғлайди; дарсда пассив; тез чарчайди; диққати тез кўчади ва беқарор.

Мазкур методикани ҳам гуруҳларда, ҳам индивидуал тарзда ўтказиш, ўқувчи ҳақида ўқитувчининг эксперт сифатидаги фикрини билиш мумкин. Ўқувчининг нерв тизимига хос хусусиятларини ўрганишда шунини эътиборга олиш керакки, бир одамнинг хулқ-атворида икки хил, ҳатто, уч хил темпераментга хос аломатлар кузатилиши мумкин.

Матлуба TOFAEBA, Миробод туманидаги

125-мактаб амалиётчи-психологи

2016-yil 14-sentabr, № 74 (8931)

Таълим тараққиёти учун...

Таълимда бирор камчилик, хато кузатилсаю, тезда чора топилмаса, оқибати қимматга тушади. Шу боис шахримизнинг айрим мактабларидаги ҳар жараёнлари, дарсликлар, ўқитувчиларнинг маҳорати, дарс ўтиш методлари, ўқувчиларнинг билими билан қизиққан, нималарнидир ўргансам, айрим дарслардан хулоса чиқараман. Таълимдаги янгилик, ривожланишлар кўпимизни қувонтирса-да, айрим муаммолар бепарқ бўлмастикча чақиради. Масалан, болажонларимизга биринчи синфдан таништирилаётган ўзбек алифбосини ўқитиш жараёнида камчилик мавжуддек туюлади. И (I) ҳарфи ўргатилаётганда у икки хил — қисқа ҳамда чўзиқ талаффуз этилиши керак, деб тушунтирилса, ўқувчилар диктант ёзишда, саводини оширишда қийналмайди. Мисол учун, болалар ин (in), нима (nima), билан (bilan), китоб (kitob), билим (bilim), бино (bino) каби сўзларни ёзувда нотўғри шаклда "nma", "blan", "ktob", "blim yoki blm", "bno" tarzida ёзганларини тез-тез учратаман. Чўзиқ ҳолда талаффуз этилганда хатолар сони анча камаяди. Шу боис бошланғич таълим ўқитувчиси диктант, ёзма иш ёздиришдан аввал И ҳарфининг икки хил ўқилишини, чўзиқ, қисқа талаффуз қоидаларини ўргатиши мақсадлидир.

Лотин имлосидаги ўзбек алифбосида уч ҳарф бирикмаси: Ch, Sh, Ng мавжуд. "Sh"ни ўқувчиларга s ва h, "Ng"ни эса p ва g ҳарфлари бирикмаси деб тушунтирамиз. Лекин "Ch" ҳарфини-чи? Уни бўлақларга ажратсак, алифбога "C" алоҳида ҳарф сифатида киритилмаган-ку?! "Ng" ҳарфини эса ўқувчиларга кўпича катта Ng, кичик ng, деб таништирамиз. Ваҳоланки, тилимизда Ng ҳарфи билан бошланадиган бирорта сўз йўқ! Назаримда, ўқувчини чалғитмаслик учун кичик "ng" ҳарфига мавжудлигини, у билан бошланадиган бирор жумла ўзбек тилида учрамадлигини тўғри ўқитиш зарур. Бу усул келгусида болаларнинг иккиланишларига барҳам берса, ажабмас!

Нилуфар ТУРСУНОВА

Қарши шахри



Мени улғайтирган оқшом

Ўша ёмғирли куз оқшоми ҳануз ёдимда. Ноябрьнинг совуқ, булутли, тушкун кайфият уйғотадиган кунлари эди. Барглари тўккан дарахтлар шамолда алланечук силкиниб, деразалардан мунгайиб кўринадди. Доим юзидан кулгу, нур аримайдиган бувимнинг ҳам таъби хира. Тонг сахардан мой қиздириб, бўғирсоқ пиширдим. Фотиҳа ўқиб, кўзига ёш олди. Кимидир хотирлаётганлар, шекли, дея оғиз очигиша ботинолмадим. Кечга яқин шамол янада кучайиб, ёмғир ёғди. Ушанда ўн бир ёшли қизалоқ зулматдан, кузнинг қулоққа хуш ёқмайдиган шамолдан кўрқиб, бувимнинг пинжига тикилдим. Бувимнинг кўксидан ҳаммиса қалампирмунчок хиди анқир, катта-катта, юмшоқ қўлларининг қафти эса нукул қайноқ эди.

— Кўрқингми, читаккинам? — дедилар эркалар. Бошимни сил-

қидим, сўнг бирор қизикроқ эртак ё чўпчак айтиб беришларини сўраб, инжиқландим. Аввалига уч-тўрт билган эртақларини айтдиларда, кейин чўқур хўрсиниб, машаққатларга тўла кечмишларидан гапирдилар.

...Урушнинг сўнгги йиллари — ҳамма оч, яланғоч! Қора бугдой, жўхори унга зўрға пулимиз етар, онам шуларни авайлабгина нон пиширар, туршак сувига нон тўғраб, қорин тўйғизардик. Мактабда овқат бериларди. Катта қозонда уч-тўрт пивё қовурилиб, тўлдириб сув қуйлар, чала тозаланган, сифати паст бугдой ёрмасидан бўтқа пиширилари. Топилса, шолғом, бўлмаса, ичи тошу похолга тўла бўтқани мамнун ердик. Кўп оила фарзандлари айни шу бўтқа сабаб келардиклар. Нима ҳам қилардик, ночорлик-да! Урушнинг иккинчи йили икки қоракўз укамдан ажрал-

дик. Йиғлаганимнинг сабаби — бугун икки укамни тупроққа топширган кун эди. Онам мусибатларга чидолмади, тирик мурдага айланди. Уйда ўзим қолганим учун мактабга бориб, дарслар билан чалғиша уринардим. Мактабимиз пахса деворли, кўримсиғина бино

қўшиб, доскани уч-тўрт қисмларга ажратиб, синфлар учун алоҳида мавзу ёзилиб, тушунтириларди.

Кеч куз, қор-қировли кунлар кўп болалар иссиқ кийим-боши йўқлигидан мактабга умуман келмас, афсус, ўшаларнинг анчаси ўта иқтидорли, билимга чанқоқ болалар эди. Орадан йиллар ўтаверди. Ўқишга иштиёқим, дарс қолдирмаслигим, математикага алоҳида меҳрим боис ўқитувчим дарслардан кейин қўшимча топшириқлар берар, ҳисоб-китоб илмини яхшироқ ўрганишимга кўмаклашарди. Ўқитувчиликни танлашимда ҳам биринчи устозимнинг хизматлари катта.

...Ўша қоруну оқшомдаги суҳбат, ҳаёт ҳақидаги ўйларимни, қарашларимни мутлақо ўзгартирганим. Ишонасизми, бир кечада болаюғ эркалик аллақарларга йўқолди. Қўзларим ярқ очилиб, дабдуруддан улғайгандек сездим ўзимни. Илк марта шукр дедим, тилимдан шу кунларда ашаётганимдан мамнунлик сўзлари учди. Яхшиям, йўл қўрсатадиган, бориб-келмаёт, йўғига сабр қилиш кераклигини ўқитиридан бобо-бувиларимиз ёнимизда, уларнинг умри, тақдири биз учун бемисл ибрат мактаби!

Ирода ТОҒАЕВА, Зарафшон шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси

Исми жисмига мос Мардона

Кўпимиз аёл кишига ожиза деб қарашга, ғайрат-шижоатини нотўғри баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Гарчи дунё тарихининг айрим муҳим саҳифаларини айнан ўқтам аёллар, доно маликалар тадбири тўлдириб турсада, барибир инкор этаверамиз. Лекин аёлми, эркек — ҳаммамиз ёруғ оламга нималарнидир бажариш учун келаемиз.

Ўзбекистон чемпиони Мардонабону Тўрақулова билан суҳбатлашганимда ёш қизнинг ғайрати, келгусидаги мақсадларини эшитиб, дадиллик, кўздаги нурни кўриб, тўғриси, ҳавас қилдим. Қизиги, Мардона спортнинг бир-биридан фарқ қиладиган икки тури — бадиий гимнастика ҳамда эшак эшиш билан шуғулланади. Онасининг соғлиғи ёмонлашиб, шифокорларнинг маслаҳати билан мунтазам машқларни бажариши, айнан спорт онасини ҳаётга қайтаргани учун ўзи ҳам спортни танлаганини мириқиб сўзлади.

— Бадиий гимнастика — нафосат, нафислик, гўзаллик тимсоли. Қиз боланинг чиройи нафақат ташқи гўзаллик, балки ички матонат, одоб-ҳаё билан ҳамдир. Гимнастика айни шу фазилатларни ўргатади, зимдан тарбиялайди. Ҳам жисмонан, ҳам руҳан чинқишда айни шу спортнинг ўрни бекиёс, — дея ҳиссиётларини ошқор этади Мардонабону Тўрақулова. — Ўтган йиллари вилоятларда ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгалладим. Лекин имкониятларимни биргина спорт турида синашни истамай, 15 ёшимдан эшак

эшиш билан жиддий шуғулландим. Республика, халқаро турнирларда қатнашиб, устозларим Соҳибжон Маматқулов, Толибжон Насриддиновнинг ишончини оқладим.

2016 йил Мардона учун омадли, ютуқларга бой йил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган эшак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-даражали диплом, 1997 йилда туғилган ва ундан кичик ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги чемпионатнинг махсус мусобақаларида қатнашиб, 1-даражали диплом билан тақдирланиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзи берилди.

Ҳали йигирмадан ошмаган Мардонанинг ўзи ҳам устоз, талай шогирдлари борлигига аввалига ишонмадим, машғулотлар залидаги нозик-нозик қизалоқларни кўргач шубҳаларим тарқади.

— Шогирдларимдан Моҳина Орифжонова, Муштарий Сотволдиева, Диёра Абдуллажонова, Моҳигул Раҳматова, Меҳрибон Эркинжоновадан умидим катта — дейди ёш устоз. — Меҳнатсевар шогирдим Диёра Абдуллажонова Осиё чемпиони.

Мардонабону Тўрақулованинг ютуқлари, ташаббускорлиги, спорт залларидаги тинимсиз машғулотлари, ўзига талабчанлигидан ўрнатилган, арийдими.

Шаҳноза Йўлдошева

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани

Ўқувчининг биргина муваффақияти устоз кўнглини осмон қадар кенгайтириб, йиллар давомида чеккан захматларини сониялар ичида арилади. Жажжи қалбларнинг кўз ўнгингизда кундан-кунга камол топиб, илм чўққиларини забт этаётганини кўриш нақадар бахт! Айниқиси, сабоқ берган ўқувчиларинг вақти етиб, ҳамкасбинга айланса,

ларни қўллаб-қувватлаш учун ўқитувчиликдек машаққатли, лекин ўта шарафли касбни танлаган собиқ ўқувчиларимнинг мақсадларини эшитиб, юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканига такрор ишонаман. Гулбахор Мансуржонова, Файзулло Расулов, Абдуваҳоб Тўхтаназаров, Шаҳриёр Анваров, Бобур Саиддахмадов, Нодира Исмоилова ва

Собиқ ўқувчиларим — ҳамкасбларим

ҳамқадам бўлиб ишласа, кўнглимда чексиз гурур уйғонаркан. Риштон академик лицейидаги илк битирувчиларимиз, тўрт йилни орта қолдириб, танлаган мутахассисликлари бўйича жамоамиз сафига бир-бир қўшилар экан, уларнинг янги лойиҳалари, дарс ўтиш усуллари, шижоатини кўриб, беихтиёр қувонасан киши. Ахир, кечагина олий таълим муассасаларига имтиҳон топшириш учун кунни тунга улаб, тиним билмай тайёрланган ўғил-қизлар кун келиб устозлари қаторида бақамти ишласа, ўрни келса, янгиликларни ўргатса, шодланмай бўладими?! Нуфузли университетларни тамомлаб, қишлоғи, туманидаги таълим сифатини янада яхшилаш, ўзидек иқтидорли ўқувчи-

бошқа қўллаб-қувватлаш ўқувчиларимнинг муносиб ютуқларини эшитиб, ўқитувчиликни танлаганимга яна бир марта шукрон келтираман. Боғбон қанчалик дарахтини авайлаб парваришласа, бачки шохларини вақтида буталаса, шубҳасиз, ҳосили тош босади. Ўқитувчи ҳам худди шундай: ўқувчининг қизиқиши, иқтидорини аниқлаб, тўғри йўлга йўналтирса, ўқиб-изланишида кўмаклашса, кун келиб меҳнатининг роҳатини кўради, ёзоз топади. Мана шундай бахтлиёр устозлар қаторидалигимдан фахрланаман, ахир собиқ ўқувчиларим бугун ҳамкасбларим-да!

Муҳайё БОБОЖАЛООВА, Риштон академик лицейи ўқитувчиси

Саҳифани Ч.НИЗОМИДИНОВА тайёрлади.

“Кунг-фу Панда” мультфильмини кўрганмисиз? Мен ҳар куни кўраман! Каманда ўн-ийсирча мартаба кўргандин-ман. Асосий ҳақрамонлару кичик образларгача — барининг ҳаракати, характери ҳақида соатлаб сўзлаб беришим мумкин. “Махсус зирворнинг ўзи йўқ! Лекин унинг борлигига ишонсанг бас, бошқалар ҳам ишонади...” ёки **“Бугун, айни шу дамда ҳаракат қилиш керак! деган ҳикматнамо слаганларини қоғозга ёзиб, иш столимга елимлаб қўйганим ҳам рост. Энг муҳими, бу фильмдан мотивация оламан, ноҳуш ҳаёлларимдан қутулиб, олошга, фақат олға юриш кераклигини ҳис этаман. Қарангки, мотивация, чунданам ичимиздаги ухлаб ётган ҳисларни уйғотувчи, тунгун руҳимизни тетиклаштирувчи “двигатель” экан.**

Кувватбахш эликсир

Дунёга машҳур Microsoft компаниясининг асосчиси Билл Гейтснинг муваффақиятлари сири кўпчилики доим қизиқтирган. Серсавол журналистлар, мухбирлар хануз ҳрли-жонига қўймай, ундан омад калити нимадалигини сўрайверадилар. Компьютер технологиялари оламида инкилоб ясаган, замонавий дастурлашни юқори чўққига кўтарган олимнинг айтишича, ўсимирлик чоғида шахридаги коллежда янги компьютер лабораторияси очилиб, компьютер ишқибозлари у ерда 24 соат дастурлаш ишларини бажаришлари мумкин эди. Гейтс дарсларидан ортиб, бўш вақтини шу ерда ўтказар, қоқ ярим тунда ҳам лабораторияга келар, то тонггача семимли машғулотида бош кўтармасди. Етти йил мунтазам компьютер дастурлаш билан шуғулланган Билл охири Windows дастурини яратди. «Дўстларимнинг нарисанд мумолаеси, изланишларимга шубҳаланиб қараш, ишончсизликлари орқага эмас, аксинча, фақат олдинга юришга ундарди. Улардан тарқалаётган «энергия» мен учун кувватбахш манба эди», дейди кашфиётчининг ўзи сўхбатларининг бирида. Ёки машҳур Apple компаниясининг асосчиси Стив Жобс ўзи учун махсус ўн икки қонидани яратгани, умри давомида шунга риоя қилгани ҳаммага маълум. «Семимли ишинг билан шуғуллан. Ҳаққоний ҳаракат қил. Ҳақиқий буюк ишлар қилишининг ягона йўли — семимли иш билан шуғулланиш. Доимо келажак ҳақида ўйла! Хатоларингги тан олиб, улардан сабоқ чиқар!» қабиллидаги ўндан ортиқ даъватлар бугун компания ходимларининг олтин қоидаларига айланган.

“Wikipedia” электрон луғатида мотивацияга ҳаракат қилишга иштиёқ; одамнинг йўналганлиги, фаоллигини, турғунлигини аниқлаб берадиган, унинг хатти-ҳаракатларини бошқарадиган физиологик ва психологик динамика жараёндир; одамнинг ўз эҳтиёжларини ҳаракат воситасида қондириш қобилиятидир, дея таъриф берилади. Илк мартаба Артур Шопенгауэр мақолаларида учраган бу атаманинг бемисл кучи кўнглимиздаги ниятларимизни реаллаштиради, абстракт ўйларни рўёбга чиқаради. Уни киши юрагига чўқ солиб, танини қиздириш эликсирга қиёслаш мумкин. Фараз қилинг, бирор юмушни бошламоқчисиз, лекин нимадир, руҳий кувват, дадиллик, ишонч этишмаётгандек. Камига

дагилар томонидан тан олиниш, нуфузни оширувчи нарсалар(уй-жой, машина), бахтли турмуш, сайру саёҳат қилиш имконияти ва бошқа омиллар ташқи мотивацияга намуна бўлса-да, улар доимий турланиб туради. Инсон эҳтиёжлари сабаб янгидан янги-янгилар туғилаверади.

Фарбдан фарқли Шарқ халқларида эзгу аъёнлар таллайгина. Орамиздан кимдир тушкунликка берилса, омади чопмаса, бошига ғам тушса,

спортчининг буқилмас иродасини тоблайди.

Иш иштаҳа очар...

— Аввалги директоримиз одамимиз эди-да! Кўнглимиздагини дарров уқиб оларди... Юзини кўрсам, бўлди, ғайратга ғайрат қўшилиб, бир ҳафталик ишларини уч кунда қандай саранжомлардим — сезмасдим. Ҳозир-чи? Қўлим умуман ишга бормади, — дея

экан. Муаллиф дангасалигимиз, ҳафсаласизлигимизга ташқи ҳамда ички мотивацияларни мунтазам қўйиштиришимизга чек қўйишни машҳур шахслар тақдир мисолида далиллайди. Шу сабаб, ўқувчини семимли машғулоти билан кўпроқ шуғуллантириш, қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш, вақти-вақти билан рағбатлантириш зарурлигини тадқиқотчи олимлар таъкидлайдилар. Эсимда, биринчи муаллимимиз мактабга эндигина келган, эркалигу тантиқликларини хануз қўймаган ўқувчиларига алифбони бошқача усулда ўргатар, айниқса, паст ўзлаштирувчи болалар билан алоҳида ишларди. Арзимас ҳаракатларимизни ҳам ёқимли сўзлари билан алқар, гоҳи кичик тадбирларимизда мактов ёрликлари, эсдалик совгалари топишарди. Кейин синфхонамиздаги деворий газетанинг “Энг аълочи — биринчи” бурчагида гердийга турган синфдошларимизга ҳавасимиз келиб, биз ҳам янада яхши ўқишга интилар, чиройли суратимиз газетда узоқ вақт туришини хоҳлардик. Ҳазор рақобат, устозимизнинг бошқа муаллимларникига ўхшамаган танбеху мактовлари синфимизни мактабдаги энг илғорлар сафига олиб чиққанди.

Ўтган ҳафта ижтимоий тармоқда “Нима учун япон мактаблари дунёнинг энг илғор таълим масканлари қаторида туради?” қабиллида савол қўйилган видеоролик тарқалди. Жавоблар жўн, бироқ ўта ҳайратланарли эди: “Болалар энг аввал одамларни, жони-ворларни эъозлашни, меҳрибонликни ўрганадилар. Ўзларини назорат қилиш ҳамда рост гапиришга одалтланадилар. Ўқув йили биринчи апрелда — Сакура гуллаган пайда бошланади. Айни шу палла уларда мусаффо кайфиятни уйғотилади, табиат гўзаллиги ўқишга рағбатни оширади. Япон мактабларида фаррош йўқ. Бировнинг меҳнатини қадрлаш учун мактаб ўқувчиларнинг ўзлари то-залайдилар. Барча мактаб либосини қийиши шарт. Фаол ўқиш, таълим атмосферасини яратишда махсус кийимларнинг ўрни бекиёс”. Олти дақиқалик роликда таълим жараёнида халқ менталитети, мотивация нечоғлик аҳамиятга эгаллиги намойиш этилган. Кейин ўқувчиларнинг талабчанлиги, ҳаққоний баҳо қўйишлари, вазифани тўла-ўқис бажармаганга муносиб жазо бериши, ўрни келса, ўқувчини муқофотлаб, истеъдодини ривожлантиришга ёрдамлашиши ҳам таълим сифатини оширади.

Физикада шундай қонуният бор: тинч ҳолатда турган жисмга бошқа бир жисм таъсир кўрсатмаса, туртки бермаса, у ўзининг ҳолатини ўзгартирмайди. Мотивация ҳам худди шундай. Агар кўнглингизнинг тубидаги мотивация сўнса, двигатель бузилса, уни тузатиш бироқ мушкул-ов. Шу боис, ўзингизни ўзингиз руҳлантиришдан, далда беришдан, келажакка умид-ла қарашдан чарманган, ахир, одамзод ер юзидаги энг кучли мавжудот-ку!

Чарос НИЗОМИДДИНОВА тайёрлади.

Мотивация тугмачасини босинг!

кўрқув ҳам сизни исканжага олиб, биринчи қадамни ташлашдан чалғитаверади. Бу — мотивациянинг салбий қиёфаси. Интернет сайтларининг бирида қизиқ воқеани ўқигандим. Муъжазгина шахарчада яшайдиган қариянинг деразаси остида шумтака болалар ҳар куни футбол ўйнаб, унга сира тинчлик беришмас, тақкику оғохлантиришлар ҳам уларга қор қилмас эди. Қария охири галати тадбир ўйлаб топилди. Бақириб-чақириб, кўчани бошига кўтарганча тўп тепаётган болаларнинг олди-га чиқиб, “Бугун жуда яхши ўйнадингиз. Шунинг учун ҳар бирингизга бир доллардан бераман”, дебди қулиб. Бундай рағбатли кутмаган болакайлар қувонганидан анча яхшироқ ўйнабдилар. Эртасига уй эгаси яна болаларни чақириб: “Болалар, бугун пулим озроқ, шунга ҳар бирингизга фақат 50 центдангина беришим мумкин” дейди ҳафалигини яширолмай. Болалар пулни олишадилар, лекин кечгайдек шижоат, иштиёқ билан ўйнамайдилар. Эртаси куни 20 центдан олган болаларга қария: “Эртага ҳам келинглр. Сизларга 5 центдан бераман” дейди ачинганнамо. Болалар эса: “Нима, биз сизга бор-йўғи 5 цент учун ўйнаймизми? Э, кетдик!” дея ўйинни шарт ташлаб, жўнашди. Натихада, қария хийла орқали доимий шовқиндан қутулади, болаларнинг ички мотивациясини (югуриш, чопиш, шовқин қилиш, ўйнаш) ташқи мотивация(пул олиш)га алмаштирди, кейин эса бу ташқи мотивацияни ҳам тўхтатди. Руҳиятшунос олимлар мотивациянинг ички, ташқи, ижобий, салбий, барқарор ҳамда ўзгарувчан кўринишлари, ҳатто айрим ҳолларда индивидуал мотивациялар ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар.

Ички мотивация — бу қийинчиликлар ва муваффақиятсизликлар даврида бизни ушлаб турадиган ҳамда қиздирадиган “ёқилғидир”. Орзулар рўёбга, гоғлар, иждоий фикрлар, ҳаётда ўрнини топишга интилиш, ишонч, қизиқувчанлик, салооматлик, кимгадир керакликни ҳис этиш, мулоқотга эҳтиёж ички мотивацияларимизнинг ёрқин мисолларидир. Ташқи мотивация эса ижтимоий муҳитда кишининг эришганларини ойнадек акс эттирувчи нарсалардир. Пул, карьера, мақом, атроф-

ёр-биродарлари, оиласи ёнида туради, ҳамдардига айланади. Тасалли-таскин руҳий изтироблирга малҳамдек гўё. Натихада киши чуқур депрессиядан тезда фориг бўлади, ҳаётини яна янгидан бошлашга, режаларини қайта тузишга шошади. Бу — мотивациянинг шарқона кўриниши. Фарбда-чи? Ҳисоб рақамингиздаги миллионлаб пуллар бир кунда ҳавога совурилиб, кўчада қолсангиз, дўстларингиз сизни энг омадсиз, бахтсиз киши деб биладилар, аста-секин узоқлашадилар. Кетма-кет зарбалар оқибатида одам руҳий тушкунлик чоҳига қулайди. Шу боис бугун Оврўпо мамлакатларида руҳиятшунослар кўмағи, кишига куч-куват улашувчи мотивацияларга эҳтиёж чандон ортган.

Метин ирода + мотивация = галаба!

Ҳеч қузатганмисиз, полвон даврага тушишдан аввал оқсоқоллардан дуо олади. Сўнг даврани ўнг томонидан ҳаволаб-ҳаволаб айланади, бармоқ ўйнатиб, ўзига хос рақс ташади. Атрофдагиларнинг ҳайқирини, далдасидан кўнглида аллақандай ҳузур туяди, кўрқувининг ҳовурини псайитиради, сўнг рақибига юзланади. Даврадан эшитиларётган паст-баланд хитоблар сабаб қаршидаги полвоннинг елкасини ерга теккизмагунча тинчмайди. Мана, мотивациянинг кучи!

Яқинда футбол бўйича Ўзбекистон игоронлар терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпиони, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиб Абдуҷамил Шукуровнинг ютуқлари, метин иродаси, сабр-бардоши, ҳаётга муҳаббати акс этган мазмунли мақолани ўқигач, арзиманг ишни бажаришга эриниб, баҳона қидирган пайларим эсимга тушиб, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим. Ҳозир Бразилиядаги XV паралимпия ўйинларида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг рекордларини эшитган борки, уларнинг бари улкан ирода намунаси, сабр-бардош тифусоли эканини англайди. Нуфусли чемпионатларда юрт номи, шарафини кўтариб юрган спортчилар учун мотивация галабанинг кафолати, асли. Ҳам ички, ҳам ташқи мотивация бирлашиб,

нолиб қолди кадрдон курсдошларимдан бири.

— Нера? — сўрадим ажабланиб.

— Янги бошлиғимиз ҳам яхши одам... — андак тўхтаб, давом этди. — Лекин кимнингдир руҳлантиришига, мададига роса суйяган эканман. Бажараётган ишинг раҳбарнинг кўзига кўринмаса, бир-икки оғиз ширин сўз эшитмасанг, айбларинг такрор-такрор таъкидланaversa, сен ҳам иш-лолмасдинг! Э, яхшиси, ишимни ўзгартираман!

Табиатан кучли, сабрига кўпимиз ҳавасланиб юрадиган курсдошимнинг қалби шунчалик нозиклигини, доимий эътибор, айниқса, бошқаларнинг эътирофини эшитишга илҳақлигини билиб, одамни ҳаракатлантирадиган гоғлар, даъватлар, самимий сўзлар нақадар муҳимлигини англаш қийин эмас. 1959 йилда психологлар Ф.Эмери ва Е.Трист иш жараёнида психологик талабларни қондириш учун бир неча қоидаларни ишлаб чиққан. Ишининг турли-туман ва иждодий бўлиши, ривожланиш имконии яратилиши, қўллаб-қувватлантириш, рағбатлантириш, мактов, муқофот, ҳамкасблар назарига тушиш, эртанги кунга ишонч ва бошқа қатор талаблар ташкилотнинг фойдасидир. Шу боис, ҳозир нуфузли хориж компаниялари, ишлаб чиқариш қорхоналари руҳиятшуносларга юқори ҳақ тўлаб, уларга ишчи-ҳодимларнинг иш коэффицентини ошириш вазифасини юк-ламоқдалар. Бунда улар ташқи мотивация орқали ишчиларнинг ички ҳошларинида кўзгатиб, кўнглидагидек натижага эришиш учун турли психологик методлар(маъруза, индивидуал сўхбатлашиш, рағбатлантириш, қўшимча имтиёзлар, хордик вақтида массажлар ва бошқаларни самарали қўлламоқдалар.

Вазифани бажарганинг баҳоси — беш!

Канадалик журналист ва ёзувчи Мальколм Гладуэлл “Outliers: The Story of Success”(Муваффақият ҳикояси) китобида қизиқ маълумот-ни айтиди. Ўқувчи бирор соҳада муваффақиятга эришиши, ўз соҳасининг ҳақиқий устаси бўлиши учун семимли машғулоти билан 10.000 соат тинимсиз шуғулланиши, иштиёқини сусайтирмаслиги зарур

2016-yil 14-sentabr, № 74 (8931)

ЎСМИР ТАОМНОМАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Буёқ Британиянинг Эксетер университети олимлари балоғат ёшидаги ўсмирлар учун фойдали бўлган таомнома рўйхатини тузиб чиқди. Бунда тана вазнининг турли омиллар сабаб ортишига ҳам эътибор қаратилди.



"МедВести" манбасида келтирилишича, ўтиш даврини бошидан кечириётган болаларда учрайдиган тана вазнининг ортиши билан боғлиқ муаммолар рухий ўзгаришлар билан бирга бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Тадқиқот давомида 15 ёшдан ошган ўсмирлар ҳаракатсиз ҳолатда илгаригидан кўра камроқ калория сарф қилади. Мутахассислар буни бир марта бажариладиган жисмоний машғулот, яъни 500 калорияга тенглаштиради. Бунда инсон энергиянинг катта қисмини жисмоний ҳаракатга эмас, ички органлар фаолиятини таъминлашга сарфлаши ҳам ҳисобга олинди.

Ўн йил давомида 279 нафар кўнгилли ўсмирнинг саломатлиги кузатиб борилганда маълум бўлишича, балоғат ёшидаги боланинг организми фаол равишда ривожланади, таянч функцияларни бажариш учун эса кўп энергия керак бўлади. Аммо ҳаракатсиз ҳолатдаги калория истеъмоли билан боғлиқ жараён 16 ёшдагина қайта тикланади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, айниқса, 15-16 ёш оралигида жисмоний тарбия машғулотларини қанда қилмаслик лозим.

БАДМИНТОНЧИ РОБОТ

Хитойнинг Электрон технология ва фан университети олимлари бадминтон ўйнайдиган инсонга муносиб рақиб бўла оладиган робот ихтиро қилди, деб маълум қилди "Hi-News".

Қурилмага иккита ракетка ўрнатилган бўлиб, у ҳар қандай тўп узатмасини ҳам қайтара олади. Қолаверса, робот ўзининг ҳаваскор рақибига бадминтонни қандай ўйнаш борасида мураббийлик қилади.

"Robomintoner" ишлаб чиқилганига кўп бўлмай хитойликлар орасида омалаштиришга ҳам улгурди. У бадминтон бўйича олимпия ўйинлари чемпиони билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ҳатто стол тенниси бўйича икки карра олимпия ўйинлари чемпиони Ванг Ликин билан баҳслашиб, "тажриба" оширди.

Робот ташқи қисмига ўрнатилган иккита камера ёрдамида ҳужум қайси томондан уюштирилганини кузатиб туради ва махсус датчиклар ёрдамида тасвир ҳосил қилади.

Симсиз технология асосида ишловчи технология рақибига муносиб зарба йўллаб, уни ўйинда мағлуб этиш имконига ҳам эга. Сезгир датчиклар ёрдамида эса иккинчи томоннинг ҳаракатларини ҳам кузатиб туриш мумкин.

ТАБИАТГА ЗАРАР ОРТМОҚДА

"Current Biology" нашрида келтирилишича, антропоген омиллар туфайли сўнгги 25 йил ичида ёввойи табиатнинг қарийб 10 фоизга қисқаргани туфайли қуруқликнинг атиги 23 фоизига инсон "қадами етмаган" ҳудуд сифатида қаралмоқда.

Австралиянинг Квинсленд университети ходими Жеймс Уотсон ва унинг ҳамкасблари сўнгги 25 йил мобайнида Ёввойи ҳайвонларни асраш жамияти билан ҳамкорлик қилиб, дунёнинг ўзлаштирилмаган нуқталарини харитага тушириш ишлари билан шуғулланмоқда.




Ёввойи табиат зоналари, яъни инсон оёғи етмаган, биохилма-хиллиги сақлаб қолинган ҳудудларни аниқлаш жараёнида одамларнинг яшашига мос ёки ноқулайлиги эмас, уларнинг табиатга таъсири қай даражада экани ўрганилди.

Маълумотларга кўра, ўтган аср 90-йилларида Ердаги қуруқликнинг тахминан 33 фоизи инсон омилдан ҳоли ҳудуд сифатида қаралар эди. Янги маълумотлар бўйича эса мазкур кўрсаткич кескин равишда камайди, яъни бутун қуруқликнинг 9,6 фоизигина бундай таъсирлардан омон қолган. Бу Австралиянинг ярми ёки АҚШнинг учдан бир қисмига тенгдир.

Йўқотилган ҳудудларнинг асосий қисми Жанубий Америка ва Африка ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур ҳолатга дарахтларнинг кесилиши, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг кескин ортиши, аҳоли сонининг мунтазам ўсиши ҳам таъсир ўтказди.

СОҒЛОМ БЎЛИШ УЧУН...

Олимлар кичик ёшдаги болаларнинг ақлий салоҳиятига таъсир этувчи маҳсулотларни аниқлади, деб маълум қилди "МедВести".



Тадқиқотга 600 нафар бола жалб этилиб, уларнинг қандай маҳсулотларни истеъмол қилиши билан боғлиқ махсус сўровнома ўтказилди. Боланинг соғлом дунёга келиши ва унинг касалликлардан ҳоли тарзда вояга етиши учун ҳомиладор аёллар тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилиши лозим. Шифокорлар бундай вақтда кўпроқ мева истеъмол қилишни тавсия этишмоқда. Уларнинг аллергияни қақирмаслигига эътибор қаратиш лозим. Ми-

сол учун, олма, нок, олхўри, шафтоли қабилир она ва бола саломатлиги учун бирдек зарур. Қулупнай ва цитрус меваларнинг микдорини эса камайтириш мақсадга мувофиқ. Денгиз ва океан баландлигидан олинган ёғлар болалар учун жуда фойдали.

Энг асосийси, бир неча мартаба музлатилмаган маҳсулотларни истеъмол қилишга эътибор қаратилади. Углеводларнинг микдори эса кўпроқ бўлгани маъқул.

АНТИБИОТИКЛАРНИНГ АСОСИЙ ХАВФИ

Нидерландиялик шифокорларнинг таъкидлашича, антибиотикларни болаликдан қабул қилиш оқибатида турли аллергия хасталиклар юзага чиқиши мумкин, деб ёзди "EurekAlert".

Олимлар 1966—2015 йиллар оралиғида олиб борилган таҳлил намуналарини текширувдан ўтказди. Изланишлар натижасида маълум бўлдики, антибиотик қабул қилган инсонда икки йил ичида тери касалликлари, хусусан, дерматит ва безgak хавфи юқори бўлади. Бунда 395 минг беморда тери яллиғланиши, 257 минг инсонда безgak, 65 минг ҳолатда эса ҳар иккала касалликнинг намоён бўлиши кузатилган.



Шифокорлар антибиотикларни эрта қабул қилганда, 15—41 фоиз ҳолатда дерматит, 14—56 фоиз ҳолатда безgak тутиши мумкинлигини маълум қилган. Шу сабабли болаларни табиий усуллар билан даволаш тавсия қилинмоқда.

Антибиотикларни қабул қилиш туфайли ичакдаги микроорганизмларга зарар етиб, турли аллергия хасталиклар юзага келиши мумкин. Бунда иммунитет тизимининг мустаҳкамлиги ҳам катта аҳмиятга эга.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

Мақсад — ёнғинларнинг олдини олиш

Табиий офатлар ичида ёнғин бир неча сония ёки дақиқада инсонларни бору йўғидан айириши мумкин. Шу сабаб доимо эҳтиёт чораларини кўриш, айниқса, болаларни қаровсиз қолдирмаслик лозим. Жойларда ўтказилаётган тушунтириш ишлари, матбуот ва теле-радиоканаллар орқали берилётган материаллар ҳам инсонларни ана шундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга чорлайди.

Яшнобод тумани ЁХБ шахсий таркиби ҳар бир мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида аҳоли ўртасида бир қатор хавфсизлик чоратadbirlарини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, туман ҳудудида жойлашган маҳалла, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, лицей ва коллежлар, корхоналарда учрашувлар ўтказилди.

Бу каби тарғибот-ташвиқот тadbirlари ўз натижасини бермоқда. Агар ўтган йилнинг дастлабки 6 ойда 76та ёнғин қайд этилиб, 3 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган бўлса, жорий йилнинг дастлабки яримйиллигида 62та ёнғин кузатилиб, жабрланганлар 2 нафарни ташкил этди. Бироқ фуқароларнинг эҳтиётсизлиги туфайли содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларни бутунлай бартараф этиб бўлмапти.

Шундай экан, фуқароларнинг доимо огоҳ яшашини фақат ўзини эмас, яқинлари, ўғлаб, юзлаб инсонларнинг ҳаётини хавфдан қутқаришини яқини англаб етишлари лозим.

Дилмурод ЭРГАШЕВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Юртимизда ёзги таътил мавсуми туғаб, таълим муассасаларида ўқиш жараёнлари бошланди. Бу эса болаларнинг ўқишдан бўш вақтини мазумли ўтказиш, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларини назоратсиз қолдирмасликни талаб этади. Назоратсиз қолган бола зерикиб-

бераётгани эса тушунтириш тadbirlари қўламини янада кенгайтириш лозимлигини кўрсатади.

Болаларга хавфсизлик қоидалари ҳақида дастлабки тушунчаларни бериш, аҳоли тураржойларида хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текши-

Ёнғин хавфсизлиги йўлидаги ҳамкорлик

ми, ёки билиб-билмай гугурт ёки ўт билан ўйнашиб, айрим ноҳуш ҳолатларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши мумкин. «Тилсиз ёв» балосидан ўзимиз ва фарзандларимиз ҳаётини, мол-мулкимизни асраш барчамиздан ҳушёрлиқни, хавфсизлик қоидаларига риоя этишни талаб қилади.

Ёнғин билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олишда тарғибот ишларининг ўрни ва аҳамияти катта. Содир бўлган ёнғинларнинг аксарияти болаларнинг назоратсиз қолиши оқибатида юз

риш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам рўй бериши мумкин бўлган фалокатларнинг олдини олишда асқотади. Бу йўлда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда таълим муассасалари вакиллари-нинг ҳамжиҳатлигида иш юритиши самаралироқдир.

М.ТУРСУНОВ,
12-ҲЕҲО 24-ҲЕҲК кичик инспектори,
кичик сержант,
Б.СИДИКОВ,
12-ҲЕҲО 26-ҲЕҲК кичик инспектори,
сафдор



Ассалому алайкум, менинг аразчи, кайсар, лекин ўта меҳрибон, сўзлари самимий, кўнгли тоза дугонажоним! Соғ-омонмисан? Қачон қайтасан? Тоғликлар, айниқса, Қизларгул момонг қайтганидан роса қувонишгандир-а? Кетганидан буён на кўнгирак қилдинг, на бирор дарагингни эшитдим. Мендан сўрасанг, аҳволим дуруст, ишлаб, дам олиб, нималардинг ёзиб-чизиб, ўзимни овутиб юрибман. Биз тарафларда ҳаммаси одатдагидек. Ўтган йилнинг ёзида индамайгина жўнадинг-ку, лекин юрагимга муз солиб кетдинг-а, шайтон қиз — ўшандан бери танам исимаиди. Қачон қайтасан?..

Қара, киприк қоқишга улгурмай куз ҳам эшик тақиллатаяпти. Қандай хузурбахш, ўйчан, донишманд фасл! Икки табақаси ланг очик деразадан кираётган салқин ҳаво ҳам хатимнинг қат-қатига сингитгандек. Шабадага аралашиб, тандирдан эндигина узилган обиноннинг кўшни ҳовлидан келаётган иси ҳам ёқимли. Кеча сезибман — ҳазонлар аллақачон йўлақарга пояндоздек тўшалиб, аста-аста саргайишга-да улгурибди. Кузнинг бор таровати ҳазорезги пайтида билинади. Эътибор берганмисан, бу фасл одамни андак шошилтиради, баҳору ёзда тугатолмаган ишларинг сарҳисобини сўраётгандек довдиратади. Кишлоғимизда Бозорбой амаки деган ҳисобчи бўларди. Йўлида бирор кимни учратса, наридан-бери саломлашарди-да, хирмонингни қачон кўтара-сан, бугдой ўрмига чекимдингни, бу йилги шолинг қанча тарози босди, деб тергайверарди. Куз ҳам Бозорбой амакидек савол-жавоб қилгани-қилган. Кейин яна қизик ҳолат: кулудан чарақлаб турган кўзларинг алланечук ўйчан, маънос тортиб, оғир хўрсиниклар ёпирилиб келадими-ей. Нега шундай?

Бир йил ўтибди-я, гаплашмаганимиз, кўришмаганимизга! Вақтинг ўтишини-чи? Умр — кумсоат, деганлар чин. Ҳали ҳам аразинг тугамадим? Хайронман, аризмаган баҳона неча йиллик кадрдонлигимизга путур етказса, кичимизни икки томонга улқотирса... Аввалига кўнгирақларимга жавоб бермаганинг, SMS-хатларим ҳам эътиборсиз қолгани, ҳатто электрон почта, интернетдаги профайлингга жўнатган хабарларимга ҳам аниқроқ билдирги ололмаганимга аччиқландим, кейин "Саломига яраша алик", дея беҳафсала қўл силтадим. Лекин чидалмадим, дугонажон, қийин экан! Бирга борган манзиларимиз, чароғон кўчалар, метро бекатлари, университетимиз кўчасининг узун йўлида настарин, мойчечак, митти атиргуллар сотадиган гулчи хола ҳам сени эслатаверади. Қизиг-а? Мана, ҳозир ҳам қуралай кўзларинг ҳайратдан янада катталашган, ўнг қошинг чимирилган; ости лабингни қаттиқ тишлаганча қараб тургандексан. Хатини ҳам истехзо аралаш ўқиётганинг аниқ.

Тўрт йил олдинги сентябрнинг йигирма саккизинчи эслайсаними? Билмайман дема, эсингда-ку! Худди шу кунни дўстлашгандик. Шаҳардаги мухташам кутубхонага борар-келаримизда гапимиз гапимизга қовушиб, узоқ суҳбатлашгандик. Эсладингми? Нукул шерьятдан, адабиёту ёзувчилардан соатлаб гаплашиб, ярим йўлни қандай пида босганимиз — билинмагани. Сенга ҳаммадан Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар"и ҳақида сўзлаш ёқарди. Агар шу мавзуда бирор кимса оғиз очса, ишингни ҳам бир четга суриб, кўзларинг чакнаб-чакнаб, ҳаяжондан бўғриқиб, баҳслашардинг. "Мен

дунё талашмадим! Фақат изландим, фақат ўқидим", "Яшасин, ганимларим!". Ёзувчининг шу сўзларини тез-тез такрорлашни хуш кўрардинг. Топдимми? "Момо ер кўшиги" қиссасини-ку кўзёши-сиз тилга олмасдинг. Ўзи табиятан йиғлоқи эдинг-да! Ҳавасим келарди. Адабиёт муҳлиси, дейишса, энг аввал кўз ўнгимда сен турардинг. Ибрат эдинг мен учун.

Басма-басига шеър ўқиганимизни эслайсаними:

**Бугун яшаш керак.
Ҳа. Худди бугун,
Бугун яшаш керак
чирқираб, яшнаб,
Йўк, бошқа чора йўк энди.
Йўк энди.
Чоранинг бугуни бор,
холос: Бугун.
Бугун яшаш керак.
Худди бугун. Бас.**

Шожа туйғулар ифори

Шерьятнинг нечоғлик хузурбахшлиги, мўъжизакор кучга эгаллигини ўша кунни теранроқ тушундим. Ўша-ўша шеърдан, шеъриятдан қувватланаман. Эҳтимол, мана шулар бизни яқинлаштирган, кам-кўстимизни билинтирмагандир? Эҳ, бунда биримиз иккинчимиздан таъна, тама, илинжу манфаат кутмадик, борини баҳам қўраверардик. Эшитишимча, кишлоғингдаги мактабда адабиётдан дарс бераётган эмишсан? Ниятингга етибсан-да, ахийри! "Орзуларимдан бири — болалар қалбини очил! Ҳеч бўлмаса, уч-тўрт ўқувчи ҳақиқий адабиёт, шеърият нималигини тушунтирсан, юрагида муҳаббат уйғотилсам, армоним қолмасди", дердинг ўйчан. Хўш, адабиётга борини берадиган болаларни тополдингми? Истеъдодлими улар? Шеър ёзадиганлари ҳам борми?

Майли, сени ҳам алмойи-алжойи гапларим билан зериктирмай, шу ерда нуқта қўяман. Хатини олганч, албатта жавоб ё! Сени жуда соғинганман! Агар мактуб келмаса... шартта ўша баланд-баланд тоғлар орасидаги кишлоғингга бораман. Уқдингми? Меҳмондорчилик қимматга тушмасин сенга...

Ахийри, ёзибсан-а? Ҳадигим бор эди. Икки оғиз саломингдан буйим осмон бараваар ўсди. Хар кунни митти пушти конвертни, жим-жима харфлар билан ёзилган хатингни қайта-қайта кўлимга оламан, хидлайман, орқа-олдин айлантирганча, такрор-такрор ўқийман. Билардим, меҳрибонлигинг, узоқ вақтгача кек сақлай олмаслигингни! Баъзи гапларингни мажбурликдан ёзгандек туюлсанг-да, барибир, чин кўнглингдан чиққани аниқ. Лекин дилингда борини тўкиб солмаганинг, гуноҳларини айтиб, но-жоиз қилиқлариндан уялтирмаганинг чакки бўлибди, айтиш керак эди. Мана, қулай фурсат — қамчиламайсаними отни?!

"Ассалому алайкум! Хат ёзасан, деб сира ўйламагандим. Ахир, алоҳида тараддуланиб, кимгадир мактуб жўнатиш урфдан қолган, деб юрардинг-ку! Ёнингда шахсий компьютеринг, қанчадан-қанча тезкор техникалар турганда, ўз қўлинг билан йирик-йирик харфларда хат ёзишингни, тўғриси, кутмагандим.

Соғ-саломатман, ишим рисоладагидек. Ташвишларим ҳам етарли. Эҳтимол, сендан ножоиз ранжигандирман, лекин ўшанда арзимас илтимосимни рад этганинг оғир ботганди. Билсанг, менга меъёридан ортиқ туйғулар эргашиди ҳар доим. Кимгадир меҳр берсам, ўн чандон ортиқ бераману, ўзим ўша муҳаббатнинг бир улущини ҳам ололмаман гоҳи. Мендан ранжима, феъл-қандайлиги ўзингга маълум-ку. Истеъдодли болаларни топдингми, дебсан. Топдим. Еттинчи, саккизинчи синф ўқувчиларининг аксари адабиётга ихлосманд. Тўғрақ очганмиз. Ким нимага иқтидори баланд, ўша даврада ойдинлашди. Болаларнинг кўзига қараб тўймайсан, шундай маъсум, шундай бегуборки, бор давлатингни берай дейсан. Ўқитувчилик нақадан тотли машғулотиғини тасвирлаш қийин. Айниқса, кишлоғингдаги

кўнги ҳиссиётлар оғушидаман — ҳаммаси кўз ўнгимда. Мана, ёлғиз ўғлининг бахти, Тонгли элининг келажаги деб онаизор доволар ошаяпти, неки қўлидан келса, барига тайёр. Алпоминшинг ягона жигар-гўшаси Ёдгорнинг сўзлари-чи? "Марднинг боласи мард бўлади, ота". Шугинани эшитганимда баданимда кумурсқа ўрмалагандек сесканувдим...

Майли, вақтингни олмай. Ўқувчиларингга саломимни айт. Қандай дарс ўтаёсан ўзи? Қийин эмасми? Синфхона ўртасида тик турганча шеър ўқиётганингни тез-тез тасаввур этаман. Мароқли-а? Хатларингни кутаман, имконини топсанг, суратларингни электрон почтага жўнат. Тўлишдингми ё оздингни, балки қорайгандирсан?

Дугонажон, хатларингнинг тафти, ифори бор! Ўзинг шуни сезасаними? Ҳар гал пушти хатжилдни очаётганимда, бармоқларим қизиб, қўлларим титрайди. Нимагагини билмайман... Суратларингни кеча олдим. Бироз тўлишиб, янада гўзаллашибсан. Барибир, ўз уйинг — ўлан тўшагинг-да, а? Ўқитувчилик ёқибди...

Шу кунларда нохуш қайфиятдан сира қутуллолмаман. Юрагим ҳам алағда, кимгадир захримни сочгим келади. Ўн-ўн беш дақиқа шу алфозда қийналаману, кейин кўзёшларим дув-дув тўкилади. Шифокорга кўринсаммики? Ҳаммаси яхшиликкадир, нима дединг?..

Ўтган ҳафта "National Geographic Channel"даги "Brain games" ("Тафаккур ўйинлари") кўрсатувининг навбатдаги сонини ИШОНЧ мавзусига бағишлашибди. Воқеалар маромига етказиб тасвирга олинган учун анча вақт ўйлаб юрдим. Кўрсатув ижодкорлари одамлардаги ишонч туйғусини турли ўйинлар, галати лойиҳалар ёрдамида аниқлашга уринди. Илмий томонларини ҳам асослаб, миянинг қайси хужайраларида ишонч тугилиши, қай пайтда йўқолиши, бунга нималар туртки беришини муфассал тушунтирди. Энг қизиги, бир-бири-мизга ҳамиша шубҳа, гумон аралаш қарашимиз, кимдандир доимо нимадир қутишимизни яширин камералар ҳам исботлади. Айниқса, моддий бойликнинг найранглари ишонччи сониялар ичида чилчил синдирганини кўрсанг эди... Ишонч тугаган жойда кўрқув бошланиб, одам бора-бора кўрқувига қўл бўлиб яшаркан. Дугонажон, қаттиқ илтимосим, ўқувчиларингга ишонч нималигини яхшироқ ўргат, бир-бирини алдаб яшашга одатланмасин улар. Одамийлик, муқаддас туйғуларни асраб-авайлашдан кўпроқ сабоқ бер, ўзингдаги самимиятни юқтир, кўнгиларини пок сақласинлар. Ўзимизнинг эзгу фазилатларимиз йўқолиб кетмасин. Болаларнинг гард инмаган қалбларини фақат тоза туйғулар билан бойит!

Уч-тўрт ой орасида хат ёзолмаман энди. Уйга кетаяпман. Онамни соғиндим. Агар йўл боссам, кишлоғимдаги кадрдонларим бағрида бир муддат турсам, ҳаммаси ўз ўрнига тушади-ёв. Шаҳардаги янгиликларни бошқа кун, бафурга ёзарман. Сенга мустаҳкам соғлиқ тиламан. Тоғликларга қайноқ саломларини етказ! Қизларгул билингни роса кўргин бор. Вақти келса, борарман ҳам. Ҳаётингдаги янгиликлардан беҳабар қолмай, ҳай. Тинчликда кўришгунча, дугонажон!

2016-yil 14-sentabr, № 74 (8931)

Олтин медаллар ва рекорд натижалар

Паралимпиячиларимиз куч ва салоҳиятини оламга намойиш этмоқда

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Паралимпия уйинларининг илк кунидаёқ кўлга киритилган 3 олтин медалдан сўнг сузувчиларимиз Фирдавс Мусабеков ва Фотима Омилова ҳам терма жамоамиз ҳисобига яна иккита олтин медал қўшиб қўйди.

Эркалар ўртасида 100 метр масофага брасс усулида сузиш бўйича баҳсга киришган Фирдавс Мусабеков 1 дақиқаю 04.94 сония натижа кўрсатиб, олтин медал ҳамда паралимпия чемпиони деган юксак шарафга эга бўлди.

Ушбу йўналишда хотин-қизлар баҳсида эса иккитдорли вакиламиз Фотима Омилова ҳам ўз олдига қўйган мақсадига эришди. Фотима 100 метр масофани 1 дақиқаю 12.45 сонияда босиб ўтди. Эътиборлиси, спортчимиз мазкур натижаси билан жаҳон рекордини ҳам янгилади. Дарвоқе, Фотимахон

200 метр масофага комплекс сузиш баҳсларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, яқунда 2 дақиқаю 25 сониялик кўрсаткич эвазига кумуш медалга лойиқ қўрилганини ҳам эътироф этиш лозим. Айтиш керакки, бундай сермахсуллик паралимпия тарихидан алоҳида жой олди. Энди Ф.Омилованинг натижасини тақдорлаш осон бўлмайди.

Паралимпия уйинларининг дзюдо бўйича вази 100 килограмдан ортик бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувларда Феруз Саидов кубалик Херардо Родригесни енгиб, бронза медалга сазовор бўлди. Аёл дзюдочилар ўртасида 63 килограмм вази тоифасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Турсунпошша Нурметова эса шведиялик Николина Пернхаймига мағлуб этди ва бронза медални кўлга киритди. 10 метрдан пистолетда ўқ отиш баҳсларида ўз имкониятини синаган ҳамюртимиз Сервер Ибрагимов



172.1 очко билан спорт делегациямизга навбатдаги бронза медални тақдим этди. Шунингдек, дзюдо баҳсларида ўз вази тоифасида эркалар ўртасида Шухрат Бобоев ва Ширин Шариповга бронза медал берилди. Дзюдо бўйича хотин-қизлар баҳсида Хайитжон Олимова кумуш, Гулрух Раҳимова эса бронза медал билан тақдирланди. Таъкидлаганимиздек, 200 метр масофага комплекс сузиш баҳсида Ф.Омилова кумуш медал олган бўлса, бу борадаги 3-ўрин ҳам ўзбекистонлик спортчи, аниқроғи, Шоҳсанам Тошпўлатовага насиб қилди. У маррага 2 дақиқаю 27 сонияда етиб қолди.

Энгил атлетиканинг узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев медаллар сафини яна бир бронза билан бойитди. Айтиш керакки, спорт делегациямиз 6 олтин, 4 кумуш ва 13 бронза, жами 23 медални кўлга киритган ҳолда 200 дан зиёд мamlakat орасида 9-ўринда бормоқда.

172.1 очко билан спорт делегациямизга навбатдаги бронза медални тақдим этди.

Шунингдек, дзюдо баҳсларида ўз вази тоифасида эркалар ўртасида Шухрат Бобоев ва Ширин Шариповга бронза медал берилди. Дзюдо бўйича хотин-қизлар баҳсида Хайитжон Олимова кумуш, Гулрух Раҳимова эса бронза медал билан тақдирланди.

Таъкидлаганимиздек, 200 метр масофага комплекс сузиш баҳсида Ф.Омилова кумуш медал олган бўлса, бу борадаги 3-ўрин ҳам ўзбекистонлик спортчи, аниқроғи, Шоҳсанам Тошпўлатовага насиб қилди. У маррага 2 дақиқаю 27 сонияда етиб қолди.

Энгил атлетиканинг узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев медаллар сафини яна бир бронза билан бойитди.

Айтиш керакки, спорт делегациямиз 6 олтин, 4 кумуш ва 13 бронза, жами 23 медални кўлга киритган ҳолда 200 дан зиёд мamlakat орасида 9-ўринда бормоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ



Озод юртнинг бахтли қизиман

Биз бахтлилар ичида энг бахтиёр ёшларимиз. Чунки юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Яқинда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини нишонладик. Бундай дорилоним куллар мен каби кўплаб тенгдошларимга катта имкониятлар эшигини очди.

Юртимизда бошқа соҳалар қатори спортнинг ҳам жадал ривожланиб бораётгани, дунё ареналарида юртимиз ўғлонлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб тургани, давлатимиз байроғини баланд кўтараётгани юракларни ғурурга тўлдирди. Яна қанчадан-қанча ўғил-қизлар ўзлари танлаган соҳаларда Ўзбекистон довуғини дунёга дoston қилиш орузи билан меҳнат қилаяпти.

Мен ҳам 7 йилдан буён каратэ-до билан шуғулланаман. Ўтган вақт мобайнида талайгина ютқуларни кўлга киритиб, ота-онам ва

устозларим билдирган ишонччи оқлашга, юксак марраларга етишишга ҳаракат қилаяпман. Чекан захматим, қийинчиликлару машаққатлар ўз маҳсулини бермоқда. Хусусан, 3 қарра Ўзбекистон чемпиони, 3 бор жаҳон кубоғи ва жаҳон чемпионати совриндори бўлдим. Масалан, 2012 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган жаҳон кубоғи баҳсларида бир йўла 2 ку-



Izhor

муш медални кўлга киритган бўлсам, 2013 йили Япониянинг Токио шаҳрида ўтган нуфузли мусобақа — жаҳон чемпионатида бронза медал менга насиб этди.

Ҳозиргача жами медалларим сони 34тага етди. Эришяётган катта-кичик ютқуларим, мазкур натижалар дарёдан бир томчи, холос. Ахир мендан олдинда бораётган юзлаб тенгдошларим бор-

ки, улар ҳам спорт билан шуғулланиб, ўз бахти қасрини қурмоқда, мамлакатимизда биз, ёшларга яратиб берилган имкониятларга кўкси тўла олтин медаллари билан жавоб бермоқда.

Яқинда Бразилияда бўлиб ўтган ёзги олимпиадада зафар қучган ҳамюртларимизга ҳавас қилдим, уларнинг галабаларини кузатарканман, ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Келгусида мен ҳам янада катъият билан ўз устимда ишлаб, қитъа ва жаҳон чемпиони бўлиб, дунёдаги энг гўзал байроқ — Ўзбекистонимиз байроғини юксакларда ҳилпиратишга аҳд қилдим. Бунинг учун менда барча имкониятлар бор.

Моҳинур МИСКИНОВА,
Гурлан туманидаги
5-умумтаълим мактаби
«Қамолот» бошланғич
ташкilotи етакчиси



«МЮ» — АНГЛИЯДА ТЕНГСИС

Ўтган мавсумда «Манчестер Юнайтед» футбол клуби Англия футбол тарихидаги рекорд даромадга эга бўлган тўғрисида «Sky Sports» манбаси хабар берди.

«Кизил иблислар» газнасига жами 515,3 миллион фунт (683,9 миллион доллар) тушган. Клубнинг маълум қилишча, кўшимча тушган фойда 68,9 миллион фунт (91,4 миллион доллар)ни ташкил этган. «МЮ» ёзда янги футболчилар хариди учун 156 миллион фунт (207 миллион доллар) сарфлади ва Эрик Баилли, Поль Погба, Генрих Мхитарян, Златан Ибрагимовични ўз сафига қўшиб олди.

Жаҳон миқёсидаги рекорд эса Испаниянинг «Барселона» жамоасига тегишли бўлиб, каталонияликларнинг «хамёни»га 570 миллион фунт (756 миллион доллар) келиб тушган.

НОВАК ЕНГИЛДИ

Теннис бўйича АҚШда бўлиб ўтган нуфузли турнирнинг яқалик баҳсларида — «US Open»да швейцариялик Станислас Вавринка бош совринни кўлга киритди, дея ёзди «Новости».

Мусобақанинг ҳал қилувчи матчида у жаҳоннинг биринчи рақамли ракеткачиси, сербиялик Новак Жокевичга қарши қотқа чикди. Муросасиз баҳсдан сўнг Станислас 6:7 (1:7), 6:4, 7:5, 6:3 ҳисобидан кучли рақибини мағлуб этди. Матч 3 соату 57 дақиқага чўзилганидан ҳам мусобақа қанчалик кескин ўтганини билиш мумкин.

Жокевич «US Open»да 2011 ва 2015 йилларда зафар қучган. Вавринка эса илк бор галаба қозонмоқда. У 2014 йилда Австралия очиқ чемпионатида, 2015 йили «Ролан Гаррос»да бош совринни кўлга киритган.

КЕЛЛ ШИФОХОНАГА ЁТҚИЗИЛДИ

Британиялик боксчи Келл Брук ўрта вази тоифасида учта чемпионлик камари(WBA, WBC, IBF)га эғалик қилиб турган Геннадий Головкин билан ўтказган муштлашувдан сўнг касалхонага ётгани тўғрисида «Twitter»даги саҳифаси орқали маълум қилди.

«Мени кўллаб турганларга ташаккур, — деб ёзди у. — Айтиш керакки, шифохонадаман, аммо хавотирга ўрин йўқ, ҳаммаси жойида. Яқин орада рингга қайтаман. Галаба қозонолмаганим учун узор сўрайман». Хабарингиз бўлса, Головкин ҳамда Брук ўртасидаги жанг 11 сентябрда Лондонда ташкил этилди ва унда қозогистонлик боксчи рақибини 5-раунддаёқ нокаутга учратди.

Головкин 36-жангини ҳам ўз фойдасига ҳал қилди. У ҳали бирор марта ютқазмаган ва дуранг ҳам қайд этмаган, аксинча рақибларининг 33 нафарини нокаутга учратган.

ЭНГ БОЙ ПОЙГАЧИЛАР

«F1» манбасида ёзилишича, «Формула-1» мусобақаси етакчиларидан бири, «Mercedes» клуби аъзоси британиялик Льюис Хэмилтон ўтаётган мавсум давомида 32 миллион евро ишлаб топган.

Ундан кейинги ўринларда «Ferrari» вакили германиялик Себастьян Феттель ҳамда «McLaren» етакчиси испаниялик Фернандо Алонсо номи қайд этилган. Уларнинг ҳар бири 30 миллион евро жамарган. «Red Bull»нинг 18 ёшли пойгачиси голландиялик Макс Ферстаппен 500 минг евро, «Toro Rosso» жамоаси спортчиси Даниил Квят эса 750 минг евро ишлаб олган.

Айтиш керакки, «Формула-1»да шахсий кўрсаткичлари бўйича Л.Хэмилтон 250 очко билан 1-ўринда бормоқда. Нико Росберг ва Даниэль Риккардо кучли учликни банд этган.

ЕЧЛ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Кеча футбол бўйича Европа чемпилар лигаси мусобақасининг гуруҳ босқичи илк тур баҳсларига старт берилди, дея ёзилди «Eurosport» манбасида.

Дастлаб «А», «В», «С» ва «D» гуруҳи вакиллари ўзаро куч синашди. Бугун эса «Е», «F», «G» ва «H» кватретидagi жамоалар тўп суради. Жумладан, «Байер» ва ЦСКА (Москва), «Тоттенхэм» ва «Монако», «Реал» ва «Спортинг», «Легия» ва «Боруссия (Дортмунд)», «Порту» ва «Копенгаген», «Брюгге» ва «Лестер», «Ювентус» ва «Севилья», «Лион» ва «Динамо» (Загреб) жамоалари майдонга чиқади.

С.МАХСУМОВА тайёрлади.

Спорт ва меҳнат уйғунлашса

Спорт билан шуғулланган болалар фақат жисмоний бақувват ва маънан етук бўлибгина қолмай, ўз ютуқлари билан Ватани, ота-онаси ва мураббийларининг юзини ҳам ёруғ қилади. Айниқса, чекка қишлоғу овулларда яратилган шaroitлардан унумли фойдаланиб, юксак натижаларни қўлга киритаётган ўғил-қизларни кўрганда, яйраб кетамиз. Улар маррани баланд олиб, ҳар қандай мусобақада юксак натижа кўрсатишга интилаётганидан ғурурланамиз.

Чирокчи туманидаги 58-мактабда ҳам жисмоний тарбия фани дарслари уюшқоқлик билан ўтилади. Ўқитувчилар ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўрса, ўқувчилар спорт сабоқларини интиқлик билан кутади. Таълим масканида бир неча спорт тури бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, чирокчилик жажжи қизалоклар бугун бадий гимнастика билан ҳам шуғулланмоқда.

2007 йилдаёқ илк гимнастикачиларни етиштира бошлаган тўғарак бугун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактабига айланган.

Ушбу таълим муассасасида шуғулланаётган бадий гимнастикачи қизлар бир неча мартаба туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, голиб ва совриндор бўлган. Мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилшода Мавлонова 2015 йилда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босиқичида қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллади. 8-синф ўқувчиси Лайло Жабборова эса вилоят босиқичида 1-ўринга лойиқ топилди. 7-синф ўқувчиси Бехруз Темиров волейбол бўйича вилоят терма жамоаси сафига қақирилган.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқи ва қизиқишини оширишда спорт ва жисмоний тарбиядан кенг фойдаланамиз, — деди мак-

таб директори ўринбосари Акмал Рўзиқулов. — Боиси, спортчи ёшларимиз тартиб-интизомли бўлиб, ўқитувчига берган ваъдасининг устидан чиқишга, намунали ўқувчи бўлишга ҳаракат қилади. Натижада давомат ҳам кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Бугун Маржона Бобомуродова, Чарос Очилова, Паҳлавон Тўйчиев, Абдуқуддус Темиров, Моҳиғул Азимова, Қобил Эштурдиев, Райҳона Бердиқулова, Зарина Бердимуродова, Ирода Турдимуродова сингари иккидорли ўқувчиларимиз ўзлари ёқтирган спорт тури бўйича эришаётган натижалари фанларни ўзлаштиришга уйғун экани эътиборлидир. Улар ўқиш ва спортда тенгдошларига ўрнак бўлмоқда.

Мактабда меҳнат таълими бўйича ҳам тўғараклар очилган. Унда 20 дан ортиқ ўқувчи ҳунар ўрганмоқда. Ўқувчилар-



га хизмат кўрсатиш, бичиштиқиш бўйича сабоқ берилмоқда. Тикув машинасида ишлаш жараёнида тўғарак аъзолари меҳнату машаққат ортидаги завқни ҳис қилади, меҳнати эвазига ўз бахтини

яратишга аҳд қилган одам ҳеч қачон кам бўлмаслигини англайди.

МУХБИРИМИЗ

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Ёш истеъдодлар учун янги имкониятлар

Ўзбекистон Бадий академияси хузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган тасвирий санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тасвирий санъат мактабида дастлаб тўрт синфда олтишга яқин ўқувчи таҳсил олган бўлса, бугунга келиб олти синфда юздан зиёд ўғил-қиз тасвирий санъат, каштачилик, гиламдўзлик ва тикувчилик сирларини ўрганмоқда. 330 ўринга мўлжалланган уч қаватли янги бино қурилишига 6 миллиард 350 миллион сўм сарфланди. «Қарақалпоқжолмарс сервис қурилиш» масъ-



улияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган иншоотда замонавий шaroitлар яратилган.

— Мактабда таълим жараёнини сифатли ва самарали олиб бориш учун зарур барча қулайлик ва имкониятлар мавжуд, — дейди мактаб директори Раъно Ҳалимова. — Бу албатта, таълим масканида Ойнура Сарекеева, Бийбиноз Ғайипова сингари Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, «Юрт келажаги» республика кўрик-танлови, «Тасвирий ва амалий санъат», «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалари голиблари сафи янада кенгайишига хизмат қилади.

Мактабнинг собиқ ўқувчиси Ойнура Сарекеева чизган «Қорақалпоқ миллий тўйи» картинаси 2007 йилда Ҳиндистонда ўтказилган «Шанкар» халқаро болалар расмлари кўргазмасида, «Қорақалпоқ қизи» картинаси эса 2008 йили Японияда ўтказилган XI халқаро болалар расмлари кўргазмасида юксак эътирофга сазовор бўлган. Соғлом она ва бола йилида мактаб ўқувчилари Уролбой Жартибоев ва Динора Аметова «Тасвирий ва амалий санъат» фестивалида голиб бўлди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, фан ва маданият
ходимлари касба уйushмаси
Республика кенгаши.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-924. Tiraji 35791.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2030-4336



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'ymazlar taqrib
qilinmaydi va maallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Naybatchi muharrir:
Rayxona XO'JAEVA.
Naybatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 22.10 Topshirildi — 22.40

1 2 3 5 6